

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

39-сон
(851)
2018 йил
2 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

774. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги ПФ–5545-сон Фармони
775. «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айланишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 сентябрдаги ПҚ–3948-сон қарори
776. «Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мақтабининг Фарона шаҳридаги филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 сентябрдаги ПҚ–3952-сон қарори

777. «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сон қарори

Учинчи бўлим

778. «Раҳбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимларни доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 сентябрдаги 758-сон қарори

779. «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келадиган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришда божхона тартиботларини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 762-сон қарори

780. «Санитария жихатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарори

781. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 766-сон қарори

782. «Гербли гувоҳномалар шаклларини такомиллаштириш ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини яхшилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 768-сон қарори

Бешинчи бўлим

783. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 августдаги 216-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-1*)

784. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 сентябрдаги 466-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги ни-

зомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-2*)

785. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3069*)

786. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 10 августдаги 21-Б-сон «Хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ихтиёрий рўйхатдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3070*)

787. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26 сентябрдаги 1-сон «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071*)

788. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 329-В-2, 123-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-2*)

789. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 20 августдаги 23-Б-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларининг намунавий уставини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3072*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 22 сентябрдан 28 сентябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

774 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Хорижда яшаётган ва профессионал фаолиятини юритаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъдодли ёшлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур, жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистонда тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилди) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма Хорижда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ва тиббиёт муассасаларида, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида, айниқса, энг янги материаллар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳаларида ишлаётган, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш;

давлат органларининг кадрлар бўйича хизматлари томонидан фойдаланилиши ва онлайн тарзда излаш амалга оширилиши мумкин бўлган жаҳон мамлакатлари ва мутахассисликлар бўйича каталоглаштирилган қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)ни яратиш ва юритиш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассислар, шу жумладан ватандошларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларига, айниқса, янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, улар учун қулай шароитлар яратиш, долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш;

таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳаларида ишлаётган ватандошлар орасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича уларнинг роя ва фикрларини тўплаш, умумлаштириш ва тегишли ташкилотларга етказиш, шунингдек, тўпланган материалларни тайёрлаш ва тарқатишнинг самарали тизимини яратиш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий марказлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни ривожлантиришда ватандошлар салоҳиятидан фаол фойдаланиш;

ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва докторантура ҳамда малака ошириш ва стажировка дастурлари бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларидаги истиқболли мутахассислар, шу жумладан педагоглар ва илмий кадрларни танлаб олиш ва таълим олишини ташкил этиш;

нуфузли хорижий таълим ва илмий муассасаларда истиқболли мутахассисларни ўқишини мониторинг қилиш, уларнинг Ўзбекистонда муносиб ишга жойлашишига қўмаклашиш, ушбу мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш, уларнинг касбий жиҳатдан ўсишига ва мансаб пиллапойларида кўтарилишига қўмаклашиш;

мамлакатимиздаги ҳамда хорижий экспертларнинг, шу жумладан ватандошларимизнинг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари чоп этиладиган журналлар, илмий тўпламларни тайёрлаш ва кенг тарқатиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда кадрларни хорижда тайёрлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш борасидаги ишлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, уларни ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахас-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Васийлик кенгаши таркиби 3-иловага* мувофиқ;

Хорижда таълим олиш, стажировка ўташ ва малака ошириш учун номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Жамғарма директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Жамғарма ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги тегишли лавозимлар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шароитлари татбиқ этилади;

Жамғарма ходимларига улар ишининг ҳажми ва самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда директор қарорига асосан лавозим маошларининг 100 фоизигача миқдорида ойлик устама белгиланади.

6. Жамғарма директорига:

Жамғарма тузилмасига, зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартириш киритиш;

Жамғармага юклатилган вазифаларни бажаришга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг малакали ишчи ва мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарманинг молиявий кўмагида хорижда магистратура ва докторантура дастурлари асосида таълим олган, малака оширган, стажировка ўтаган стипендиатлар зиммасига стипендиат билан тузилган шартномада белгиланган муддат давомида олий таълим муассасаси ёки илмий муассасада, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида ишлаб бериш мажбурияти юклатилади;

стипендиат узрсиз сабабларга кўра хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг талабалари сафидан чиқарилганда, малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиши тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, олий таълим ёки илмий муассасада, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош тортганда, Жамғарма томонидан стипендиатни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар стипендиат томонидан қоплаб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази хорижда таълим олиш, малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этишда Жамғармага ҳар томонлама услубий ёрдам кўрсатсин.

9. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Жамғарма орқали хорижий мамлакатларда таълим олган стипендиатларнинг таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини, шу жумладан фан доктори илмий даражасини, махсус синовларсиз нострификациядан ўтказишни (эквивалентлигини белгилашни) таъминласин.

10. Жамғарма харажатларини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) стипендиатларни хорижий таълим ва илмий муассасаларида ўқитишни, малакасини оширишни ва стажировкани ўташини ташкил этиш, хорижий мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш бўйича:

2018 йилда — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасидан олий таълим муассасалари объектларини куриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун кўзда тутилган ҳажмнинг 10 фоизигача миқдорида Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ажратиладиган маблағлар;

2019 йилдан бошлаб — кейинчалик тегишли йилдаги истеъмол нархларининг прогноз индексига тенг коэффициентни қўллаган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган 45 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар;

тегишли йилда Жамғармага ажратиладиган бюджет маблағлари умумий суммасининг 5 фоизи миқдорида республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарманинг жорий таъминоти, шу жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва Жамғармага юклатилган вазифаларни бажариш бўйича:

2018 йилда — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланадиган миқдорда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар;

2019 йилдан бошлаб — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Республика олий таълим муассасалари рўйхати ва бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағлардан Жамғармага ажратмалар суммаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

11. Жамғарма 2022 йил 1 январга қадар давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилинсин.

12. Жамғармага тўртта енгил автотранспорт воситаси, шу жумладан учта шахсий ва битта навбатчи автомобиль сақлаш учун лимит ажратилсин.

13. «Ўзавтосаноат» АЖ ва Жамғарманинг Жамғармани «Ўзавтосаноат» АЖнинг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 13-уй (3-қават) манзилида жойлашган биносида беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-уй манзилида жойлашган Хорижда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасининг бўшаётган бино ва иншоотларини туташ ҳудудлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, берилаётган бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилишни амалга ошириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Жамғармага:

ватандошлар ва хорижий мутахассислар билан алоқаларни йўлга қўйишда; стипендиатлар хорижий мамлакатларга виза олишида, консуллик ҳисобига қўйилишида, нотариал ва бошқа хизматлар кўрсатилишида, борган давлатида стипендиатларнинг ўқиши, малака ошириши ва стажировка ўташини мониторинг қилишда;

чет элдан ишга таклиф этилаётган хорижий мутахассисларнинг виза олишида;

хориждаги ватандошларнинг ташкилотлари, хорижий давлатларда фаолият юритаётган ўзбек маданий марказлари ва жамиятлари тўғрисидаги ахборотларни тўплашда, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-

тадқиқот ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда:

Жамғармани керакли алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан, унинг интернет жаҳон ахборот тармоғига кенг поласали кириш билан таъминласин;

ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)ни яратиш ва юритиш, шунингдек, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда видеоконференциялар, интернет-форумлар ва телекўприклар ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин.

16. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва «Дунё» ахборот агентлиги Жамғарма фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

17. Жамғарма икки ҳафта муддатда хориждаги ватандошлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда хорижий мутахассислар, шу жумладан ватандошларимизни Ўзбекистон Республикасига жалб этиш тартибини ишлаб чиқсин ва Жамғарманинг Васийлик кенгашига кўриб чиқиш учун киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5121-сон Фармони, унинг 3-банди олтинчи хатбошиси ва 5-иловасини истисно этган ҳолда, ўз кучини йўқотган деб топилсин.

19. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 сентябрь,
ПФ-5545-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги
ПФ–5545-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан
мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди»
жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) мақсадлари, асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Жамғарма фаолиятига умумий раҳбарлик ва назорат қилиш, Жамғарма моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимлар малакасини оширишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

3. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Жамғарма давлат ташкилоти шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, ўз мустақил баланси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги шахсий ҳисобварақлари, банк ҳисобварақлари (шу жумладан, хорижий валютада), Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири ва давлат тилидаги ўз номи туширилган муҳр, штамп ва бошқа белгиларига эга.

Жамғарманинг почта манзили (жойлашган ўрни): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 13-уй.

5. Жамғарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси;

б) рус тилида:

Фонд «Эл-юрт умиди» по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

в) инглиз тилида:

«El-yurt umidi» Foundation for training specialists abroad and the dialogue with compatriots under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

2-боб. Жамғарманинг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари

6. Қуйидагилар Жамғарманинг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ва тиббиёт муассасаларида, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида, айниқса, энг янги материаллар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳаларида ишлаётган, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш;

давлат органларининг кадрлар бўйича хизматлари томонидан фойдаланилиши ва онлайн тарзда излаш амалга оширилиши мумкин бўлган жаҳон мамлакатлари ва мутахассисликлар бўйича каталоглаштирилган қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)ни яратиш ва юритиш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассислар, шу жумладан ватандошларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларига, айниқса, янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, улар учун қулай шароитлар яратиш, долзарб муаммоларини хал этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш;

таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳаларида ишлаётган ватандошлар орасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича уларнинг гоё ва фикрларини тўплаш, умумлаштириш ва тегишли ташкилотларга етказиш, шунингдек, тўпланган материалларни тайёрлаш ва тарқатишнинг самарали тизимини яратиш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий марказлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни ривожлантиришда ватандошлар салоҳиятидан фаол фойдаланиш;

ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва докторантура ҳамда малака ошириш ва стажировка дастурлари бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларидаги истиқболли мутахассислар, шу жумладан педагоглар ва илмий кадрларни танлаб олиш ва тайёрлашни ташкил этиш;

нуфузли хорижий таълим ва илмий муассасаларда истиқболли мутахассисларнинг ўқишини мониторинг қилиш, уларнинг Ўзбекистонда муносиб ишга жойлашишига кўмаклашиш, ушбу мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш, уларнинг касбий жихатдан ўсишига ва мансаб пиллапояларида кўтарилишига кўмаклашиш;

мамлакатимиздаги ҳамда хорижий экспертларнинг, шу жумладан ватандошларимизнинг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари чоп этиладиган журналлар, илмий тўпламларни тайёрлаш ва кенг тарқатиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда кадрларни хорижда тайёрлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш борасидаги ишлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, уларни ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш.

3-боб. Жамғарманинг ҳуқуқлари

7. Жамғарма ўз вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ қўидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан хорижда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар ҳолати, хорижий мутахассисларга талаб ва уларни, шу жумладан ватандошларни жалб этиш, шунингдек, жалб этилган мутахассислар фаолиятининг самарадорлигига доир тегишли ахборотни сўраш;

хорижий мутахассислар, шу жумладан ватандошларни вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва республиканинг бошқа ташкилотларига жалб этиш;

хорижда таълим олган, малака оширган ва стажировка ўтаган маҳаллий мутахассисларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

республикага илғор хорижий ўқитувчилар, олим ва мутахассисларни олий таълим муассасалари ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш марказларининг таълим жараёнида иштирок этиш учун белгиланган тартибда таклиф этиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳудудида ўз номидан ва ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахслар билан шартномалар ва бошқа ҳужжатларни тузиш ва имзолаш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда турли кўргазмалар, танловлар, конференциялар, бошқа илмий ва таълим тадбирларини ташкил этиш;

Жамғарма фаолиятига вазирликлар, идоралар, таълим, илмий ва бошқа муассасалар ходимлари ва мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш;

республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган халқаро таълим ва илмий ташкилотлар, турли нодавлат ногажорат ташкилотларининг белгиланган тартибда таъсисчиси ва ҳаммуассиси бўлиш;

шартнома асосида турли илмий ва таълим хизматларини кўрсатиш.

Фонд қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш

8. Жамғарма бошқарувининг олий органи Васийлик кенгаши ҳисобланади.

Жамғарма Васийлик кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Жамғарма Васийлик кенгашининг мажлислари раис ёки унинг топшириғига кўра раис ўринбосари раҳбарлигида ўтказилади.

Жамғарма Васийлик кенгашининг мажлислари заруриятга қараб, лекин бир йилда камида бир марта ўтказилади. Жамғарма Васийлик кенгашининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

9. Қуйидагилар Жамғарма Васийлик кенгашининг вазифалари ҳисобланади:

Жамғармага умумий раҳбарликни амалга ошириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш;

Жамғарманинг даромад ва харажатлари йиллик параметрлари, уларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, шунингдек, Жамғармага юклатилган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларда магистратура ва докторантура дастурлари, малака ошириш ва стажировка ўташ бўйича асосий йўналишлар ва йиллик мақсадли ўқув дастурларини (стипендиатларнинг сонини) тасдиқлаш;

хорижий, шу жумладан ватандошлар орасидан олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассисларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳасига жалб этиш билан боғлиқ харажатларни тасдиқлаш;

хорижда Ўзбекистон тўғрисидаги ижобий ахборот муҳитини шакллантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни тасдиқлаш, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий марказлари, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни ривожлантириш;

Жамғарма томонидан хорижий таълим ва илмий муассасаларда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиш, малака ошириш, стажировка ўташ учун номзодларни танлаб олиш бўйича ўтказиладиган танлов натижаларини тасдиқлаш;

хорижда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олган маҳаллий мутахассисларни ишга жойлаштириш ва касбий ўсиши масалаларини мувофиқлаштириш;

хорижда таълим олган, малака оширган ва стажировка ўтаган педагоглар, илмий кадрлар ва мутахассисларнинг билимлари, қобилияти, малакавий имкониятларининг тўлақонли рўёбга чиқишини таъминлаш;

Жамғарма фаолиятига алоқадор бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш.

Жамғарма Васийлик кенгаши аъзолари Жамғармани бошқариш бўйича мажбуриятларини жамоатчилик асосида олиб борадилар.

10. Жамғарманинг жорий фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан таъминланади.

11. Жамғарма директори:

Жамғарманинг жорий фаолиятини ташкил этади ва унга юклатилган вазифаларнинг бажарилишига доир чоралар кўради;

Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланган йўналишларга мувофиқ Жамғарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

Жамғарма ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар, шу жумладан хорижий давлатларда, халқаро ташкилотларда Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

Жамғарманинг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

Жамғарманинг лавозим йўриқномалари ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди;

белгиланган тартибда Жамғарма ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича чоралар кўради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради; шартномалар тузади ва Жамғарма ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

5-боб. Жамғарманинг мулки, молиявий маблағлари, ҳисоб ва ҳисобот

12. Жамғарманинг мулки асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, айланма маблағлар ва маблағларни шакллантиришнинг барча манбалари ҳисобидан харид қилинган бошқа моддий қимматликлар, шунингдек, Жамғарманинг молиявий ресурсларидан иборат.

13. Жамғарма мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

14. Қуйидагилар Жамғарма харажатларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизмат кўрсатишдан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молиявий институтлар ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Республика олий таълим муассасалари рўйхати ва бюджетдан ташқари

(оширилган шартнома ставкалари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағлардан Жамғармага ажратмалар суммаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

15. Жамғарма ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги тегишли лавозимлар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шароитлари татбиқ этилади.

16. Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ унга тегишли барча мулк билан жавобгар бўлади.

17. Жамғарма белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, молиявий ва статистик ҳисоботни юритади.

6-боб. Яқуний қоида

18. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги
ПФ–5545-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

Хорижда таълим олиш учун номзодларни танлов асосида танлаб олишни ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) томонидан хорижда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиш, малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодларни танлов асосида танлаб олишнинг регламенти, тартиби ва механизмларини белгилайди.

2. Магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиш, малака ошириш ва стажировка ўташга юбориш Жамғарма томонидан танлов асосида амалга оширилади.

3. Номзодларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш танлов асосида танлаб олишни ўтказиш бўйича комиссиялар (кейинги ўринларда — комиссиялар) томонидан амалга оширилади, уларнинг шахсий таркиби ва иш тартиби Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан ҳар бир танлов учун алоҳида тасдиқланади.

4. Хорижда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиш, малака ошириш ва стажировка ўташга қабул қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ҳамда қабул ва танлаб олишнинг ягона қоидалари асосида амалга оширилади.

5. Танловларда қуйидаги шахслар иштирок этиши мумкин эмас:

магистратура дастурлари бўйича — 23 ёшдан кичик ва 40 ёшдан катта бўлган, шунингдек, илгари ўхшаш мутахассислик бўйича хорижда магистратурада таҳсил олганлар;

докторантура дастурлари бўйича — 25 ёшдан кичик ва 45 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал PhD ёки фан доктори илмий даражасини олганлар;

малака ошириш ва стажировка ўташ дастурлари бўйича — 25 ёшдан кичик ва 50 ёшдан катта бўлган, шунингдек, Жамғарма дастурларидан бири асосида сўнги уч йил мобайнида хорижда таълим олганлар;

хорижда таълим олиш учун танланган мутахассислик бўйича 2 йилдан кам меҳнат тажрибасига, шу жумладан педагогик стажга эга бўлганлар;

давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органларида фаолият юритаётганлар;

оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаганлар.

Фавқулодда ҳолатларда, вазирлик ёки идора раҳбарининг тавсиясига асосланган ҳолда комиссиялар қарорига кўра магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олишга танлаб олишда тегишли вазирлик ва идораларнинг мос равишда 45 ва 50 ёшгача бўлган ходимлари иштирок этишига рухсат берилади.

6. Хорижда таълим олиш учун танлов давлат ва/ёки рус тилида ўтказилади.

Хорижий тил бўйича тест синовлари таълим олинадиган мамлакат тили ёки инглиз тилида ўтказилади (агар қабул қилаётган хорижий олий таълим ёки илмий муассасада ўқитиш инглиз тилида олиб борилса).

2-боб. Жамғарма стипендиялари

7. Жамғарма стипендиялари белгиланган тартибда Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган дастурларга мувофиқ ажратилади:

хорижий таълим ва илмий муассасаларда малака оширишга — 2 ойгача муддатга;

хорижий илмий, таълим, ижод муассасалари, давлат идоралари, корхона ва бошқа ташкилотларда стажировка ўташга — 6 ойгача муддатга;

етақчи хорижий олий таълим ва илмий муассасаларда магистратура дастури асосида таълим олишга — 1-2 йил мобайнида, докторантура дастури бўйича — 1 — 4 йил мобайнида.

8. Жамғарма стипендиялари ушбу Низом талаблари асосида танловдан

ўтган шахслар (стипендиатлар)га қуйидаги харажатларни қоплаш учун ажратилади:

хорижий таълим ва илмий муассасаларда стипендиатларни ўқитиш қиймати тўлови;

стипендиатлар томонидан виза олиш (шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг республикадаги элчихонаси талабига кўра тиббий кўрикдан ўтиш харажатлари);

стипендиатларнинг барча турдаги транспорт воситалари билан таълим олиш жойига бўлган йўлқира харажатлари (иккала томонга, йилига бир мартагача);

хорижий мамлакатда таълим олиш даврида стипендиатларнинг яшаш, овқатланиш ва транспорт харажатлари;

зарур ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш, шу жумладан дарсликлар харид қилиш, илмий мақолалар чиқариш, мақолалар ва илмий адабиётларнинг электрон базасига обуна бўлиш (таълим олиш дастури бошида бир марталик тўлов);

хорижда таълим олиш даврида стипендиатларни тиббий суғурталаш;

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига кўра хорижда таълим олиш билан боғлиқ стипендиатларнинг бошқа харажатлари.

3-боб. Танловда қатнашиш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

9. Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ магистратура, докторантура, малака ошириш ва стажировка ўташ дастурлари бўйича ўтказилаётган танлов ҳақидаги эълон ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугашига энг камида бир ой қолганда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, интернет нашрлар ва Жамғарманинг веб-сайтига жойлаштирилади.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

аризаларни қабул қилиш муддати ва жойи;

зарур ҳужжатлар рўйхати;

танлов қатнашчисига қўйиладиган талаблар (ёши, мутахассислик бўйича зарур иш тажрибаси, хорижий тилни билиш даражаси, илмий мақолалар мавжудлиги ва бошқалар);

танловни ўтказиш муддати ва жойи;

алоқа телефонлари ва электрон манзили.

10. Хорижда барча дастурлар бўйича таълим олишга номзодлар Жамғармага қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

а) тегишли намунадаги маълумотнома-объективка (анкета);

б) таълим олиш шакли ва йўналиши кўрсатилган ҳолда белгиланган намунадаги комиссия раиси номига ариза;

в) белгиланган намунадаги иккита фотосурат;

г) олий таълим муассасасини тугатганлигини, шунингдек, илмий дара-

жасини (фан номзоди, PhD ва фан доктори.), илмий унвонини (катта илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси;

д) меҳнат дафтарчаси нусхаси (меҳнат стажи бўлганда);

е) паспорт нусхаси;

ж) белгиланган намунадаги тиббий маълумотнома;

з) чет тилидан билим даражасини белгиловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва шу кабилар), агар мавжуд бўлса.

е) судланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

11. Хорижда малака ошириш, стажировка ўташга номзодлар 10-бандда кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча тарзда қуйидаги ҳужжатларни Жамғарма қабул Комиссиясига тақдим этадилар:

а) буюртмачи ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари имзоси билан номзод томонидан Хорижда малака ошириши ва стажировка ўташи зарурлиги асосланган тавсиянома;

б) малака ошириш ёки стажировка дастури;

в) малака ошириш ёки стажировка ўташ дастурини амалга ошириш тўғрисида хорижий муассаса билан дастлабки келишув (агар мавжуд бўлса).

12. Хорижда магистратура дастури бўйича таълим олишга номзодлар 10-бандда санаб ўтилган ҳужжатларга қўшимча тарзда қуйидагиларни тақдим қиладилар:

а) дипломнинг иловаси нусхаси;

б) хорижий таълим ёки илмий муассасага қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжат («Letter of acceptance»), агар мавжуд бўлса;

в) номзоднинг Ўзбекистонда ва хорижда эълон қилинган мақолалари рўйхати ва уларнинг электрон вариантлари (мавжуд бўлса);

г) хорижда таълим олиш мақсади ва таълим олиш тугагандан сўнг олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида эссе (ёзма иш).

13. Хорижда докторантура дастури бўйича таълим олишга номзодлар 10-бандда санаб ўтилган ҳужжатларга қўшимча тарзда қуйидагиларни тақдим қиладилар:

а) дипломнинг иловаси нусхаси;

б) хорижий таълим ёки илмий муассасага қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжат («Letter of acceptance»), агар мавжуд бўлса.

в) ушбу соҳани ривожлантириш ёки Ўзбекистонда натижаларни қўллаш учун номзод тадқиқотининг долзарблиги тўғрисида тегишли илмий ёки олий таълим муассасаси раҳбарининг тавсиявий хати;

г) номзоднинг Ўзбекистонда ва хориждаги илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ва уларнинг электрон вариантлари;

д) режалаштирилаётган илмий тадқиқот мақсадлари, усуллари ва натижалари, уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари тўғрисидаги эссе (ёзма иш).

14. Номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, тўплаш ва дастлабки кўриб чиқиш Жамғарманинг ходимлари томонидан амалга оширилади. Зарур ҳужжатлардан бирини номзод эълонда кўрсатилган муддатда тақдим қилмаса унинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди.

15. Эълонда кўрсатилган номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддати тугагандан сўнг Жамғарма ходимлари ва жалб қилинган мутахассислар томонидан тайёрланган дастлабки таҳлил натижалари илова қилинган ҳолда ҳужжатлар Жамғарманинг тегишли Комиссиясига тақдим этилади.

Номзодлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар танлов тугагандан сўнг қайтарилмайди.

4-боб. Хорижда магистратура ва докторантура дастурлари асосида таълим олиш учун танловни ўтказиш

16. Номзодларни саралаш тўрт босқичда амалга оширилади:

1-босқич ҳужжатларни кўриб чиқиш ва белгиланган талабларга энг мос келадиган номзодларни дастлабки саралашни кўзда тутати (ёши, мутахассислиги бўйича зарур иш тажрибаси, илмий мақолалари мавжудлиги, танланган мутахассисликнинг мамлакат ривожланишидаги белгиланган устувор йўналишларга мослиги ва бошқа талаблар).

Ушбу босқич Жамғарма ходимлари томонидан ўтказилади.

2-босқичда 1-босқичда танланган номзодлар ичида амалдаги халқаро сертификатга эга бўлмаганлари билан хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича суҳбат (ёки имтиҳон) ўтказилади (олий таълим ва бошқа муассаса ходимларини жалб қилган ҳолда, шу жумладан хорижий).

3-босқичда 2-босқичда танланган номзодлар билан ўз мутахассислиги бўйича билимлари даражаси, интеллектуал қобилиятлари, шунингдек, Жамғарма томонидан тайёрланган саволнома асосида номзодларнинг дунёқарashi кенглиги ҳамда Ўзбекистон ривожланишининг устувор йўналишлари ва амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини билишини аниқлаш бўйича суҳбат ва ёзма имтиҳон (эссе) ўтказилади (вазирлик ва идоралар, олий таълим ва илмий ташкилотлар, корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирокида, шу жумладан хорижий мутахассислар).

4-босқичда халқаро сертификатланган аттестация марказлари иштирокида хорижий ҳамкор талабларига мувофиқ олдинги босқичлардан муваффақиятли ўтган номзодлар орасида чет тили билим даражаларини ва/ёки чет тилидаги таҳлил имкониятларини баҳолаш бўйича тест (IELTS, TOEFL, TestDaF, GMAT, GRE ва бошқа) ўтказилади.

Ҳар бир босқичнинг натижалари тегишли комиссия йиғилиш баённомаси билан тасдиқланади.

17. Ўзбекистонда халқаро стандартлаштирилган тестлардан ўтиш харажатлари Жамғарма томонидан бир марта тўлаб берилади ёки номзодларга қоплаб берилади. Халқаро стандартлаштирилган тестларни такрорий топшириш ёки хорижий олий таълим ёки илмий муассаса томонидан таълим олиш мамлакатида топширилиши талаб қилинадиган кириш имтиҳонлари харажатлари Жамғарма томонидан қопланмайди.

Чет элнинг таълим ва илмий муассасалари талаблари даражасида билимини тасдиқловчи амалдаги халқаро сертификатга эга номзодлар тест синовларидан озод қилинади.

18. Тегишли комиссия танлов якунларини умумлаштиради ва уни тасдиқлаш учун Жамғарманинг Васийлик кенгашига тақдим қилади.

19. Жамғарма Васийлик кенгашининг Хорижда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиш учун ўтказилган танлов натижаларини тасдиқлаш ҳақидаги қарори танловдан сўнг бир ой муддат ичида эълон қилинади.

Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга белгиланган шаклдаги стипендиатлик сертификатлари топширилади.

20. Танлов якунлари тасдиқлангандан ва сертификатлар топширилгандан сўнг Жамғарма стипендиатларга хорижий олий таълим ёки илмий муассасасини танлаш ва ҳужжатлар топширишга маслаҳат ёрдамни кўрсатади.

21. Таълим олишнинг харажатлари, муддати ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, хорижий мамлакатни танлаш ва стипендиат томонидан танланган ундаги таълим ёки илмий муассасани тасдиқлаш ҳуқуқи Жамғарма ваколатида қолади.

Стипендиат таълим олиши учун танланадиган олий таълим ёки илмий муассаса, қоида тариқасида, тан олинган халқаро ташкилотлар рейтингига кўра жаҳондаги энг яхши 500 талик ёки танланган фан йўналиши бўйича энг яхши 200 талик рўйхатига кирган бўлиши керак.

22. Хорижий олий таълим ёки илмий муассасага ҳужжатларни топшириш бўйича харажатлар («Application fee») Жамғарма томонидан уч мартагача номзодга тўлаб берилади.

Агар стипендиат юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқ танланган мутахассислик бўйича магистратура дастури учун бир йил, докторантура дастури учун икки йил мобайнида бирорта хорижий таълим ёки илмий муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатни («Unconditional letter of acceptance») тақдим эта олмаса, унинг стипендияси бекор қилинади.

23. Ҳар бир танлов учун Жамғарманинг Васийлик кенгаши қарори билан танланган мамлакат ва мутахассисликка боғлиқ ҳолда магистратура ва докторантурада битта стипендиатни ўқитишга ажратиладиган барча харажатларнинг энг юқори суммаси белгиланиши мумкин.

5-боб. Хорижда малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодлар танловини ўтказиш

24. Номзодларни саралаш уч босқичда ўтказилади:

1-босқич ҳужжатларни кўриб чиқиш ва белгиланган талабларга энг мос келадиган номзодларни дастлабки саралашни кўзда тутуди (ёши, мутахассислиги бўйича зарур иш тажрибаси, илмий мақолалари мавжудлиги ва бошқа талаблар).

Ушбу босқич Жамғарма ходимлари томонидан ўтказилади.

2-босқичда 1-босқичда танланган номзодлар ичида амалдаги халқаро сертификатга эга бўлмаганлари билан хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича суҳбат (ёки имтиҳон) ўтказилади (олий таълим ва бошқа муассаса ходимларини жалб қилган ҳолда, шу жумладан хорижий).

3-босқичда 2-босқичда танланган номзодлар билан ўз мутахассислиги бўйича билимлари даражаси, интеллектуал қобилиятлари, шунингдек, Жамғарма томонидан тайёрланган саволнома асосида номзодларнинг дунёқараш кенглиги ҳамда Ўзбекистон ривожланишининг устувор йўналишлари ва амалга ошириладиган ислохотлар мазмун-моҳиятини билишини аниқлаш бўйича суҳбат (ва/ёки имтиҳон) ўтказилади (бююртмачи, олий таълим ва илмий ташкилотлар, корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирокида).

Ҳар бир босқич натижалари тегишли комиссиянинг йиғилиш баённомаси билан тасдиқланади.

25. Тегишли комиссия танлов якунларини умумлаштиради ва уни тасдиқлаш учун Жамғарманинг Васийлик кенгашига тақдим қилади.

26. Жамғарма Васийлик кенгашининг Хорижда малака ошириш ва стажировка ўташ учун ўтказилган танлов натижаларини тасдиқлаш ҳақидаги қарори танловдан сўнг бир ой муддат ичида эълон қилинади.

Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга белгиланган шаклдаги стипендиатлик сертификатлари топширилади.

27. Малака ошириш ва стажировка ўташнинг бутун муддати давомида стипендиатларнинг иш жойи сақланади.

6-боб. Жамғарманинг Апелляция комиссияси

28. Ушбу Низомга риоя қилиш, шунингдек, суҳбат ва тест синовларини ўтказиш натижалари ҳамда бевосита танловнинг ўтказилиши билан боғлиқ шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш учун Жамғарма Васийлик кенгашининг қарори билан Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш регламенти Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

29. Апелляция комиссиясига аризалар суҳбат ва тест синовлари натижалари эълон қилингандан сўнг уч кун давомида топширилади.

30. Апелляция комиссияси қабул қилинган аризаларни ўн кун давомида кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши зарур.

31. Жамғарманинг тегишли комиссиялари, шунингдек, суҳбат ва тест синовини олиб боришда иштирок этувчи экспертлар ишда йўл қўйган камчиликлари, ноҳолислиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

7-боб. Стипендиатларнинг мажбуриятлари

32. Танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган ва 6 ойдан ортиқ муддатга хорижга кетаётган номзодлар қўйидагилардан ўтиши керак:

а) Жамғарма томонидан белгиланган ихтисослашган тиббиёт марказида тиббий кўрикдан;

б) Жамғарма базасида қўйидаги йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари (шу жумладан онлайн режимида):

Ўзбекистонда амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотлар мақсади, вазифалари, моҳияти ва мазмуни;

Ўзбекистон тарихи;

Ўзбекистон маданияти, анъаналари ва туристик салоҳияти;

Халқаро этикет ва протокол.

Ушбу низомнинг 32-банди «а» қисмида кўрсатилган тиббий кўрикдан ўтиш бўйича харажатлар Жамғарма томонидан тўланади.

Узрли сабабларсиз ушбу низомнинг 32-банди «б» қисмида кўрсатилган ўқув курсидан ўтмаган номзодлар Жамғарма Васийлик кенгаши қарори билан стипендиатлар сафидан чиқарилиши мумкин.

33. Магистратура ёки докторантура дастури бўйича Хорижда таълим олган стипендиатга, олий таълим ёки илмий муассасада, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида эгаллаган мутахассислиги бўйича 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддатда узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

Стипендиатни ўқитишга сарфланган барча харажатлар суммаси 75 минг АҚШ долларидан ошган ҳолда, олий таълим ёки илмий муассасада, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти 7 (етти) йилгача этиб белгиланиши мумкин.

34. Хорижда малака ошириб ёки стажировка ўтаб келган стипендиатга олий таълим ёки илмий муассасада, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида 3 (уч) йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

35. Стипендиат узрли сабабларга кўра хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг талабалари сафидан чиқарилганда, малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиши тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, олий таълим ёки илмий муассасада, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош тортганда, Жамғарма томонидан стипендиатни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар стипендиат томонидан қоплаб берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**775 Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айланишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ–5460-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб:

ариза берувчининг хохишига қўра Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестридан (кейинги ўринларда — Давлат реестри) кўчирма тақдим этиш орқали дори воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги гувоҳномасини (унинг дубликати) бериш тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

давлат органлари ва ташкилотлари давлат хизматларини кўрсатишда дори воситалари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги кўчирмани Давлат реестридан мустақил равишда электрон шаклда оладилар;

дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари уларни биринчи давлат рўйхатидан ўтказиш муддати тугаганидан сўнг амал қилиш муддатини чекламаган ҳолда ёзув кўринишида Давлат реестрига киритилади;

ўлчаш функцияларига эга тиббий техникани қиёслаш, шунингдек, тиббий техникани мажбурий даврий синовдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган юридик шахслар томонидан амалга оширилади;

дорихоналар ва уларнинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда махсус ускунадан фойдаланган ҳолда дорихона шароитида қадоқланган, ўралган ва маркировка қилинган «ангро» маҳсулотини сотиш ҳуқуқига эга;

тиббийёт муассасалари, шу жумладан давлат тиббийёт муассасаларига «ангро» маҳсулотини дори воситаларини сақлаш ва тарқатиш тартибига риоя қилган ҳолда сотиб олишга рухсат этилади.

3. Белгилансинки, «ангро» маҳсулоти деб йирик қадоқда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган, шунингдек, кейинчалик тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш (тайёрлаш) учун ишлатиладиган дори воситаси ҳисобланади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда дори воситалари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин;

2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш ва маркировка қилиш учун махсус ускуналар мавжудлигига, шунингдек, маҳсулотни қадоқлаш, ўраш, маркировка қилиш ва сотишни амалга ошираётган шахсларнинг малакасига доир талабларни ўз ичига олган дорихоналар ва уларнинг филиаллари томонидан «ангро» маҳсулотини сотиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2019 йил 1 апрелга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази билан биргаликда Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникага берилган мувофиқлик сертификатларини мониторинг қилиш ягона ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

икки ой муддатда Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПҚ–3487-сон қарори билан тасдиқланган Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналари рўйхатининг рус тилидаги матни қуйидаги мазмундаги 19-банд билан тўлдирилсин:

«19. АК «Dori-Darmon».

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 сентябрь,
ПҚ–3948-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 24 сентябрдаги
ПҚ-3948-сонли қарорига
ИЛОВА

**Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижалари
Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган
мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

I. Мамлакатлар

1. Австралия Иттифоқи
2. Бельгия Қироллиги
3. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги
4. Германия Федератив Республикаси
5. Дания Қироллиги
6. Исроил Давлати
7. Ирландия Республикаси
8. Испания Қироллиги
9. Италия Республикаси
10. Канада
11. Корея Республикаси
12. Нидерландлар Қироллиги
13. Норвегия Қироллиги
14. Словения Республикаси
15. Америка Қўшма Штатлари
16. Финляндия Республикаси
17. Франция Республикаси
18. Швейцария Конфедерацияси
19. Швеция Қироллиги
20. Япония

II. Халқаро ташкилотлар

1. Европа дори воситалари агентлиги (ЕМА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**776 Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалини ташкил этиш тўғрисида***

Республика туризм тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг Фарғона шаҳрида Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг филиалини (кейинги ўринларда — Филиал деб юригилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

республиканинг туризм тармоғини ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳаларида амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;

мутахассислар ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва илм-фаннинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, шунингдек, жаҳон таълим ва илм ҳамжамиятига мажбурий интеграция ҳисобига ривожлантириш;

кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес-ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

Филиал алоҳида мулк ва мустақил балансига эга бўлган юридик шахс мақомидаги нотижорат ташкилот шаклида ташкил этилиб, тасарруфидаги пул маблағлари ва мулклари бўйича ўзининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланади;

Филиал Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг (кейинги ўринларда — Олий мактаб) алоҳида таркибий бўлинмаси ҳамда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 сентябрда эълон қилинган.

кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, таълимнинг келишилган асосий йўналиш (мутахассислик)лари бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиалда ўқитиш тўлов-контракт асосида Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда Олий мактаб томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар бўйича кўпроқ инглиз тилида кундузги шаклда амалга оширилади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларининг аттестацияси Олий мактаб томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Олий мактабнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Филиал фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикасининг қонунчилиги асосида амалга оширилади.

4. Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг асосий йўналиш (мутахассислик)лари 1-иловага мувофиқ маъқулансин.

5. Олий мактаб:

ўқув жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишга;

мутахассисларнинг малакасини оширишга ва Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлашга;

Филиалнинг кутубхона фондини замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан шакллантириш ва тўлдиришга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2018/2020 ўқув йилида Филиални Фарғона давлат университети биносига вақтинча жойлаштириш белгилансин.

Фарғона вилоят ҳокимлиги икки ҳафта муддатда Филиалга таълим жараёнини ташкил этиш стандартлари ва нормаларига жавоб берадиган бино, шунингдек, Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшаши учун ётоқxonани беғараз фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги:

Филиал таъсис ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ҳамда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишида ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон олий таълим ва илмий муассасаларининг юқори малакали ўқитувчилари ва мутахассисларини кейинчалик Филиалга ишга жалб қилиш учун саралаш танловидан ўтказсин ҳамда стажировкасини ташкил этсин.

8. Латвия Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг Фарғона

шаҳридаги филиали Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) шахсий таркиби 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

9. Белгилансинки:

а) Филиалга қабул квоталари Олий мактабнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тайёрланган асосли таклифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;

б) Филиалнинг фаолиятини молиялаштириш:

Олий мактабнинг ўз маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадалларидан Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари;

халқаро молия институтлари грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

в) Филиални ташкил қилиш, унинг моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш бўйича ташкилий тадбирларни, шу жумладан таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш, бино ва иншоотларни зарур мебель, анжомлар, замонавий ўқув ҳамда лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, компьютер ва бошқа оргтехника, кутубхона фонди билан таъминлаш, шунингдек, Филиалдаги маҳаллий педагог кадрларнинг стажировкаси ва малакасини ошириш харажатларини молиялаштириш Олий мактаб маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

г) Олий мактабдан Филиалга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш:

7 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафарлари бўйича — Латвиянинг қонун ҳужжатлари билан олий таълим муассасалари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

узоқ муддатли хизмат сафарлари бўйича — ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

10. Филиалга ўқитувчилик ва илмий ишлар учун таклиф қилинадиган хорижий педагог кадрларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлашга рухсат этилсин.

11. Олий мактабга Филиалнинг бино ва иншоотларини таъмирлаш ва реконструкция қилинишини, шунингдек, Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшаши учун ётоқхона тайёрланишини 2020/2021 ўқув йили бошланишига қадар таъминлаш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий педагог кадрлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Филиал буюртманомаларига биноан жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божи ундирилмасдан, кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Филиал буюртманомаларига биноан Филиални ташкил қилишда ва унинг фаолиятида иштирок этадиган малакали хорижий педагогик кадрларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилиши (муддати узайтирилиши), шунингдек, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

15. Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиёт, анжомлар ва моддий-техника ресурслари, шунингдек, автотранспорт воситалари 2019 йил 1 июнга қадар муддатда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

16. Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 сентябрь,
ПҚ-3952-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 26 сентябрдаги
ПҚ-3952-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти
Олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалида кадрлар
тайёрлашнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлари)**

Бакалавриат йўналишлари:

1. Туризм (фаолият йўналишлари бўйича).
2. Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш.
3. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш.
4. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича).
5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқлар бўйича).
6. Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича).

Магистратура мутахассисликлари:

1. Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш.
2. Ахборот тизимлари.

Изоҳ: кадрлар тайёрлаш йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхати ташкилотларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда филиал Васийлик кенгашининг қарори билан тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**777** Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунининг самарали ижросини, давлат буюртмачилари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунининг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ давлат харидлари стратегик субъектлари амалга оширадиган давлат харидларига, ривожлантириш давлат дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидлари бундан мустасно;

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидларига, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига;

фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига;

агар донор мамлакатларнинг, тегишли халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотларининг тартиб-таомилларида ёки Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида чет эл кредитларини ва чет эл грантларини тақдим этиш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайловига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун амалга ошириладиган давлат харидларига;

суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил) тайинланиши билан боғлиқ давлат харидларига;

нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

2. Белгилансинки, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди:

а) харид комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан:

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун, шунингдек давлат сирлари билан боғлиқ бўлган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун;

б) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун;

суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил) тайинланиши билан боғлиқ;

нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидларига нисбатан амалга оширилиши белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат буюртмачилари томонидан иловадаги рўйхатга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни кейинчалик улар тўғрисидаги маълумотларни шартнома тузилган санадан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан давлат харидларининг махсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиш тартибини белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Белгилансинки, давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг махсус ахборот порталига:

бошланғич нархни тушириш бўйича аукцион ўтказиш тўғрисида эълон — уни ўтказишдан камида беш кун олдин;

танлов ўтказиш тўғрисида эълон — танлов иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддатининг тугашидан камида ўн кун олдин жойлаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат харидларини сифатли ва узлуксиз ўтказишга тўсқинлик қиладиган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш билан боғлиқ давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилини доимий равишда ўтказиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда давлат харидларининг сифатли ва узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш, давлат буюртмачилари учун қулайликлар яратиш мақсадида, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги, шу жумладан жойлардаги камчиликларни бартараф этган ҳолда давлат харидларининг махсус ахборот порталининг функционалини такомиллаштириш чораларини кўрсин;

давлат буюртмачилари ходимлари иштирокида давлат харидлари соҳасида семинар-тренинглар, мастер-класслар ва бошқа ўқув машғулотларини ўтказиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун зарур бўлган, шунингдек давлат сирлари билан боғлиқ бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг киритилишини таъминласин;

мазкур қарор талабларини, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда киритсин;

бир ой муддатда харид комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш ва энг яхши таклифларни танлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 2 ва 3-бандларига мувофиқ харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархлари шаклланиши устидан назоратни таъминласин.

8. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирасин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 сентябрь,
ПҚ-3953-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги
ПҚ-3953-сонли қарорига
ИЛОВА

**Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри
шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар
(ишлар, хизматлар)
РЎЙХАТИ**

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг алоҳида махсус савдо майдончаларидаги электрон (биржа) савдолари натижаларига кўра харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).

2. Давлат буюртмачиси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ хизмат сафарлари учун ва бошқа ҳолатлардаги чипталар (авиа, темир йўл ва йўналиш транспортига).

3. Давлат буюртмачиси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ хизмат сафарлари ва бошқа ҳолатлардаги яшаш харажатлари.

4. Аввал тузилган шартномалар доирасида келгуси йил учун алоқа, интернет ва телерадиоузатиш хизматлари тўлови.

5. Бошқа етказиб берувчи томонидан хизмат кўрсатиш имконияти бўлмаган тақдирда, етказиб берувчи томонидан аввал олиб келинган товарлар (ишлар, хизматлар)га кафолат муддати тугагандан кейин ва жорий хизмат кўрсатиш (эҳтиёт қисмларни харид қилиш), шунингдек, аввал харид қилинган дастурий маҳсулотни кузатиш ва (ёки) уни функционал кенгайтириш.

6. Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни сақлаш ва олиб кириш (олиб чиқиш).

7. Банк (банклараро) хизматлар ва операциялар.

8. Муаллифлик назорати (хамроҳлиги) бўйича хизматлар.

9. Айти бир вазирлик (идора, муассаса)нинг таркибидаги ташкилотлар (муассасалар) ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилиниши.

10. Спорт, маданий-оммавий тадбирлар, кўرғазмалар, ярмаркалар, анжуманлар, семинарлар ва ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага олиш.

11. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг расмий делегациялари ташрифларини таъминлаш (меҳмонхона, транспорт хизматлари кўрсатиш, асбоб-ускуналарни ижарага олиш, озиқ-овқат таъминоти, таржимон хизмати), эсдалик сувенирлари, совғалар, гуллар ҳамда гул билан безатиш, ваколатхоналар учун қабуллар (кечки овқат, фуршет, кофе-брейк ва бошқалар) ўтказиш, концерт дастурлари, баннерлар ва буклетлар тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг хорижий мамлакатларга ташрифи билан боғлиқ харажатлар.

12. Оммавий ахборот воситаларида реклама хизматлари, мақолалар чоп этиш ҳамда матбуот конференциялари, брифинглар, мавзули телекўрсатувлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

13. Эпидемияга қарши (шу жумладан ветеринарияга оид) препаратлар, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш учун кимёвий воситалар, шунингдек, фавқулодда ҳолатларда ваколатли органлар томонидан тасдиқланадиган табиат ҳодисалари, эпидемиялар, касалликлар тарқалишининг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш учун бошқа зарур товарлар (ишлар, хизматлар).

14. Турар ёки нотурар жойни (иншоотни) харид қилиш ёки ижарага олиш, шунингдек унинг таъминоти бўйича эксплуатация харажатлари.

15. Табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш;

давлат буюртмачисининг тўлақонли фаолият олиб боришига таъсир кўрсатувчи коммуникациялар, механизмлар, жиҳозлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиши ҳолатларида аварияларни бартараф этиш учун товарлар (ишлар, хизматлар).

16. Даврий нашрлар (газеталар, журналлар)га, шу жумладан уларнинг электрон вариантларига обуна бўлиш.

17. Мажбурий суғурталаш бўйича хизматлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган рўйхат бўйича дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар.

19. Маданий-оммавий тадбирларга чипталар.

20. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирликлар, идоралар ва давлат корхоналарининг сиҳатгоҳлари ва соғломлаштириш муассасаларига, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар.

21. Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари ва дистрибьюторларидан харид қилинган янги автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари.

22. Бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, дизель ёқилғиси ва кўмир маҳсулотлари.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира фондларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).

24. Муаллифлик ҳуқуқи учун мукофотлар (муаллифлик гонорари).

25. Махсус ва хизмат автотранспорти воситаларини, шунингдек, тиббиёт ускуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар.

26. Мамлакатимиз, ҳукуматимиз раҳбарлари, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари ҳамда уларнинг вакилларининг қабуллар уйига ташрифи билан боғлиқ бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан уларнинг яшаши, овқатланиши, ташкилий масалаларни ҳал этиш ва ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган бошқа харажатлар.

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқару-

ви миллий агентлиги билан келишилган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати госпиталлари;

даволаш-профилактика ва таълим муассасалари;

меҳмонхона ва ресторан хизматлари кўрсатиш;

мурувват ва ногиронлар уйлари;

меҳрибонлик уйлари ва интернатлар;

қариялар уйлари учун озик-овқат маҳсулотлари харид қилиш.

28. Халқаро ва давлатлараро даражадаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар.

29. Шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан ошмайдиган миқдордаги қўшимча хизматларни амалга ошириш учун харажатлар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

778 Раҳбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимларни доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларини ва хизматчиларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиботларини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 сентябрь,
758-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 24 сентябрдаги 758-сон қарорига
ИЛОВА

Раҳбарлари ходимлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатида киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча

1. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«22. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги*».
2. Изоҳнинг иккинчи хатбошидаги «8» рақамидан кейин «22» рақами қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

779 **Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келадиган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришда божхона тартиботларини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келадиган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ўтказиш самарадорлигини таъминлаш, уларни расмийлаштиришдаги божхона тартиботларини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келадиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида электрон тарзда олдиндан хабардор қилишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келадиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларини электрон тарзда олдиндан хабардор қилиш тартиботини амалга ошириш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, товарни ташувчилар ёхуд товар эгалари ёки товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги электрон тарздаги олдиндан ахборотни божхона органларининг ахборот тизимиغا телекоммуникация тармоғи орқали:

автомобиль транспортининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтишидан бир соат олдин;

темир йўл транспортининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасига етиб келишидан икки соат олдин;

узоқ йўналишни амалга оширишда — ҳаво транспортининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига учиб келишидан икки соат олдин;

қисқа йўналишни амалга оширишда — ҳаво транспортининг учиш вақтида юбориши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келадиган товарлар ва транспорт воситалари, шунингдек, ҳаво ва темир йўл транспортида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказиладиган йўловчилар ва уларнинг багажи тўғрисидаги электрон маълумотларни айирбошлаш тизимини назарда тутадиган дастурий таъминотни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва божхона органларининг ахборот тизимиغا жорий этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келадиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги ахборотларни айирбошлашни онлайн режимида амалга ошириш юзасидан чегарадош мамлакатлар билан халқаро шартномаларни тузиш масаласини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий дипломатик идораларни ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар ва консуллик муассасаларини ушбу қарорнинг қоидалари тўғрисида хабардор қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ушбу қарорнинг қоидалари кенг ёритилиши ва тушунтирилишини ташкил этсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг электрон тарзда олдиндан хабардор қилинишини жорий этиш тўғрисида» 2015 йил 30 октябрдаги 307-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 95-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 сентябрь,
762-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 25 сентябрдаги 762-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали
Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келадиган
товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида электрон
тарзда олдиндан хабардор қилишда давлат божхона
хизмати органларига тақдим этиладиган маълумотлар
РЎЙХАТИ**

1. Транспорт воситаси тури.
2. Мамлакат, ташувчининг номи ва манзили.
3. Транспорт воситаси ҳақида маълумотлар*.
4. Товарларни юборувчининг мамлакати номи.
5. Товарларни қабул қилувчининг мамлакати номи.
6. Товарларни қабул қилувчининг манзили ва СТИРи (транзит учун талаб қилинмайди).
7. Товарларнинг номи, брутто вазни, қиймати.
8. Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ товарларнинг камида 6 та белги даражасидаги кодлари (транзитда — рухсатномалар мавжудлигини талаб қиладиган товарлар учун).
9. Рухсатномалар тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса).
10. Товарларнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келиш вақти (режалаштирилган).
11. ХЙТ китобчаси (агар мавжуд бўлса) рақами, 14.11.1975 йилдаги ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда Юокларни халқаро ташиш тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ.
12. Инвойс (ҳисоб — варақаси) ва транспорт юкхатининг рақами, санаси.

* Ташувлар автомобиль транспортида амалга ошириладиганда автотранспорт воситасининг рўйхат рақами, рўйхатдан ўтган мамлакати ва идентификация рақами (VIN) (ёхуд кузов, шасси ёки рама рақами) тақдим этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 25 сентябрдаги 762-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали
Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келадиган
товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат
божхона хизмати органларини электрон тарзда олдиндан
хабардор қилиш тартиботини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъект-лар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Товар ташувчи, эгаси ёки товарга нисбатан ваколатга эга шахс	Божхона органларининг ахборот тизимига телекоммуникация тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келишидан олдин товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида электрон маълумотларни юбориш.	<ol style="list-style-type: none"> Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини автомобилда кесиб ўтишдан бир соат олдин; Темир йўл транспортининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келишидан икки соат олдин; Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига ҳаво транспорти келишидан икки соат олдин — узоқ масофадаги парвозлар амалга оширилаётганда; ҳаво транспортининг учишидан олдин — яқин масофадаги парвозлар амалга оширилаётганда.
2-босқич	Давлат божхона хизмати органлари ходими	Автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортлари орқали Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келган товар ва транспорт воситаларининг юк ҳужжатларини ўз ичига олган маълумотларнинг дастлабки текширувини ўтказиш.	30 дақиқа ичида
		Белгиланган тартибда божхона расмийлаштирувини ўтказиш — агар дастлабки электрон ахборот юк ҳужжатларини ўз ичига олган маълумотларга мувофиқ бўлса ва хатар бўлмаса.	20 дақиқа ичида
		Товар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назоратининг тегишли шаклларини қўллаш — агар дастлабки электрон ахборот юк ҳужжатларини ўз ичига олган маълумотларга мувофиқ бўлмаса, божхона органларининг ахборот тизимида тегишли маълумот бўлмаса ёки хавф мавжуд бўлса. Божхона қонунчилиги талабларига мувофиқ кейинги божхона операцияларини амалга ошириш.	Товар ва транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келиб тушганда ва божхона назорати ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари олиб борилаётганда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ VAZИPЛАP MAХҚAMACИНИНГ
ҚАРОРИ**780 Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 майдаги ПҚ–3730-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий оммавий шартнома 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда:

санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотларга бириктирилган ҳудудлар ихтисослаштирилган ташкилотларнинг махсус автотранспорт воситаларининг юк ташиш қуввати бириктирилган ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва ўз вақтида олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг зарур сифатини таъминлашга мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказилишини ва ўрганиб чиқилишини;

хатлов натижалари бўйича санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотларга бириктирилган ҳудудлар ихтисослаштирилган ташкилотларнинг махсус автотранспорт воситаларининг ҳақиқий қувватини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилишини ва қайта кўриб чиқиш натижаси бўйича бўшаган участкалар «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали электрон аукцион воситасида танлов савдоларига қўйилишини таъминласинлар.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 сентябрь,
765-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича
хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни
тадбиркорлик субъектларига бириктириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида, ноль ставкадан бошланувчи «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали электрон аукцион йўли билан бириктириш тартибини белгилайди (кейинги ўринларда электрон танлов деб аталади).

Ушбу Низом ҳудудларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ бириктириш ҳолатларига татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

«E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси — электрон танловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур маълумотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш имкониятини, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг электрон танловлар жараёнида бевосита иштирок этишини таъминлайдиган ахборот тизими;

ҳудудни бириктириш — танлов асосида тадбиркорлик субъектларига маълум бир ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ҳуқуқини бериш;

билдиришнома — Интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан, буюртмачининг веб-сайтларига жойлаштириладиган «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида келгусида ўтказиладиган электрон танлов ҳақидаги маълумот;

танлов таклифи — танлов хужжатида белгиланган шартларга мувофиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга таклиф;

лот — электрон танловга қўйилган ҳудуд;

шахсий ҳисобварақ — оператор томонидан операторнинг ички электрон тизимида оператор маълумотлари базасида рўйхатдан ўтган иштирокчиларнинг пул маблағларини жамлаш ва ҳисобини юритиш учун электрон танлов иштирокчисига очиладиган ҳисобварақ;

оператор — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон танловларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли бўлган «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси;

ариза берувчи — белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва таклиф этилган шартларга мувофиқ электрон танловда иштирок этиш учун ариза берган тадбиркорлик субъекти (юридик шахс);

закалат пули — электрон танловда иштирок этиш учун ариза берувчилар томонидан тўланадиган пул миқдори;

ҳудуд — маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш бўйича электрон танловга қўйиладиган зона (шаҳар, туман, туман маркази, қишлоқ ва бошқа аҳоли пунктлари);

«E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасидаги техник узилиш — иштирокчилардан бирига электрон танловда иштирок этишга имкон бермайдиган ёки оператор ходимига электрон танлов ўтказилишига хизмат кўрсатишнинг техник имкониятини таъминламайдиган электрон савдо майдончасидаги техник носозликлар;

танлов иштирокчиси — электрон танловда иштирок этишга қўйилган ариза берувчи.

3. Электрон танловларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, ҳудудларни бириктириш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Ариза берувчиларга қўйиладиган умумий талаблар

4. Ариза берувчи қуйидаги мажбурий талабларга мувофиқ бўлиши керак:

юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мавжудлиги;

танлов хужжатларига мувофиқ ҳудудга тўлиқ хизмат кўрсатиш учун юк ташиш қувватини таъминлаб берадиган, талаб этиладиган миқдордаги техник соз чиқинди ташиш машиналарининг мавжудлиги;

юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун амалдаги лицензия ва аризада кўрсатилган ҳар бир транспорт воситасига лицензия карточкасининг мавжудлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари бундан мустасно);

буюртманома тақдим этилиши санасида ариза берувчига нисбатан тугатиш жараёни ўтказилишининг мавжуд эмаслиги;

буюртманома тақдим этилиши санасида суд органларининг ариза берувчининг ночор (банкротлиги) ва/ёки фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарорининг мавжуд эмаслиги.

5. Ариза берувчи:

электрон танловда иштирок этиш учун бошқа ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун фойдаланишда бўлган чиқинди ташиш машиналарини кўрсатган ҳолда ариза беришга;

танлов таклифига аввалги электрон танловлар натижаси бўйича ушбу Низомга мувофиқ унга бириктирилган ҳудуд учун аризада кўрсатилган айнан ўша чиқинди ташиш машиналарини киритишга ҳақли эмас (ҳудудни бириктириш муддатининг яқунланиши ёки ариза берувчининг ушбу ҳудуддаги фаолияти тўхтатилиши ҳоллари бундан мустасно).

3-боб. Электрон танловни ўтказиш учун зарур материалларни тайёрлаш тартиби

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари электрон танлов буюртмачиси ҳисобланадилар (кейинги ўринларда буюртмачи деб юритилади).

7. Буюртмачи:

ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ ишчи органнинг намунавий таркибига асосан ишчи орган таркибини тасдиқлайди (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади);

танлов ҳужжатларини тасдиқлайди;

Оператор билан электрон танлов ўтказиш бўйича хизмат кўрсатишга шартнома тузади.

8. Ишчи орган:

а) қуйидагиларни ўз ичига оловчи танлов ҳужжатларини тайёрлайди: ҳудудлар рўйхати (икки ва ундан ортиқ ҳудуд мавжуд бўлганда);

ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шакл бўйича электрон танловга қўйилётган ҳар бир ҳудуднинг паспорти;

электрон танловлар ғолибларининг чиқинди тўплаш шохобчаларида ва туташ ҳудудда лозим даражадаги тозаликни таъминлаш, шунингдек, маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралашни амалга ошириш, санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яратиш ёки яхшилашни (чиқинди тўплаш шохобчаларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш, контейнерлар билан жиҳозлаш) назарда тутувчи мажбуриятлари.

б) ҳудудларни электрон танловга қўйиш учун буюртмачи номидан автоматлаштирилган ахборот тизими орқали операторга электрон буюртма юборади.

Ишчи орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

9. Буюртмага танлов ҳужжатлари ва электрон танловни ўтказиш бўйи-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ча хизматлар учун пул тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг электрон (сканер қилинган) нусхаси илова қилинади.

10. Электрон танлов ўтказиш бўйича хизмат кўрсатиш шартномасига бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳудудлар киритилиши мумкин. Электрон танлов бир нечта лот учун ўтказилиши мумкин.

4-боб. Электрон танловни ўтказишни ташкил этиш

11. Оператор буюртмачи билан электрон танлов ўтказиш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномага ва ушбу Низомга мувофиқ электрон танловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайди.

12. Электрон танловни ўтказиш бўйича хизматлар учун оператор ҳар бир лот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдориди пул мукофоти олади.

13. Агар буюртмага ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган барча ҳужжатлар илова қилинмаган ёхуд улар зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳолларда оператор электрон буюртмани олган кундан кейинги иш кунидан кечикмай электрон хат билан буюртмачига унинг буюртмасини қайта ради. Бунда, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар хатда кўрсатилади.

14. Буюртмачи бир ҳафта муддатда оператор томонидан кўрсатилган барча камчиликларни тузатади ва электрон буюртмани ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандлари талабларига мувофиқ қайтадан юборади.

15. Оператор белгиланган талабларга жавоб берадиган буюртма ва унга илова қилинган ҳужжатларни олган санадан кейинги иш кунидан кечиктирмай электрон танловни ўтказиш ҳақидаги билдиришномани ўзининг веб-порталига жойлаштиради.

Бир вақтнинг ўзида электрон танлов ўтказилиши ҳақидаги маълумот буюртмачининг веб-сайтига жойлаштирилади.

16. Электрон танлов ўтказиш ҳақидаги билдиришнома уни ўтказиш кунига камида 30 календарь кун қолганда операторнинг веб-порталига жойлаштирилиши ва веб-порталда электрон танлов бошлангунга қадар туриши лозим.

Электрон танлов яқунланганидан кейин веб-порталда электрон танлов яқунланганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумот автоматик тарзда янгиланади.

17. Билдиришномада қуйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

электрон танлов ўтказиладиган сана ва вақт;

лот рақами ва номланиши;

электрон танловда иштирок этишга буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги санаси ва вақти;

ушбу Низомнинг 4 ва 5-бандларида ариза берувчилар учун кўрсатилган мажбурий талаблар ва чекловлар;

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ электрон танловга қўйилаётган ҳудуднинг паспорти;

танлов ҳужжатларига мувофиқ электрон танлов ғолибларининг мажбуриятлари;

электрон танловда иштирок этиш учун ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ буюртманома шакли;

ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ танлов таклифи шакли;

ариза берувчилар томонидан ушбу Низомнинг 20-банди талабларига мувофиқ илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати;

электрон танловда иштирок этиш учун закат пулининг миқдори, закат пули ўтказилиши лозим бўлган операторнинг банк реквизитлари;

буюртмачининг номи, манзили ва телефон (факс) рақами.

18. Операторнинг веб-порталида барча хоҳловчиларга билдиришнома билан эркин танишиш имконияти таъминланиши лозим. Шунингдек, операторнинг веб-порталида, буюртмачининг веб-сайтларида электрон танлов ўтказиш қоидалари билан танишиш имконияти яратилади.

Оператор оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, бошқа усулларда тадбиркорлик субъектларини электрон танловда иштирок этиш тартиби ҳақида мунтазам таништириб боради.

5-боб. Электрон танловда иштирок этиш шартлари

19. Электрон танловда иштирок этишга буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома жойлаштирилган кундан бошлаб операторнинг веб-порталида автоматик тарзда амалга оширилади ва электрон танловни ўтказиш санасидан икки иш куни олдин соат 13.00 да якунланади.

Буюртманомаларни қабул қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин тушган буюртманомалар қабул қилинмайди.

20. Электрон танловда иштирок этиш учун буюртманома электрон кўринишда, танлов таклифини тўлдирган ҳолда берилади.

Буюртманома ва танлов таклифи электрон рақамли имзо билан имзоланади.

Буюртманомага қуйидаги ҳужжатларнинг электрон (сканер қилинган) нусхалари илова қилинади:

юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун амалдаги лицензия ва буюртманомада кўрсатилган ҳар бир транспорт воситасига лицензия карточкаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари бундан мустасно);

танлов таклифида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситасига транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (техник паспорт, техник талон) нусхаси;

абонентлар ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган тизимининг дастурий таъминотини жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатишга шартнома нусхаси;

чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автомат-

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаштирилган кузатиш тизими (GPS)ни жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатишга шартнома нусхаси;

ишлаб чиқариш базаси (автопарк, гараж)нинг ижара шартномаси нусхаси (агар хусусий ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлмаса);

конун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тасдиқланган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловлар тарифлари (агар мавжуд бўлса).

Закалат пули ариза берувчи томонидан маълум бир (танланган) лот бўйича буюртма бераётганида унинг шахсий ҳисобварағидан ечиб олинади.

Агар ариза берувчининг шахсий ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағлари закалат пулини тўлашга етарли бўлмаса, электрон танловда иштирок этиш учун буюртма қабул қилинмайди.

21. Электрон танловда иштирок этиш учун закалат пули энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдориди белгиланади.

22. Ариза берувчи буюртманомани қабул қилишнинг охириги муддатидан кечиктирмасдан ушбу Низомга 6-иловага* мувофиқ шаклдаги ва электрон рақамли имзо билан имзоланган билдиришномани операторга юбориш орқали электрон танловда иштирок этишга буюртманомани ўзгартириш ёки чақириб олишга ҳақли.

Электрон танловда иштирок этишга буюртманомачақириб олинган ҳолларда оператор тўланган закалат пулини буюртманомачақириб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай иштирокчига қайтаради. Закалат пули ариза берувчининг электрон танловда иштирок этишга берган буюртманомада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига қайтарилади.

Ариза берувчига қайтарилган закалат пули у томонидан банк ҳисобварағи реквизитлари нотўғри кўрсатилганлиги сабабли ёки бошқа сабабларга кўра операторнинг банк ҳисобварағига қайта тушган тақдирда, оператор банк реквизитлари тўғрисидаги аниқ маълумотлар сўровномасини юбориб, ариза берувчини бу ҳақда хабардор қилади. Ушбу ҳолатда закалат пули ариза берувчи мурожаат қилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай қайтарилади.

23. Иштирок этиш учун ариза қабул қилингандан кейин у қуйидаги талабларга риоя этилганлиги юзасидан текширилади:

буюртманомача ва танлов таклифи белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилганлиги, шунингдек электрон рақамли имзонинг ариза берган шахсга тегишлилиги ва асли эканлиги (шу жумладан, амал қилиши тўхтатилиши, бекор қилиниши);

билдиришномача кўрсатилган буюртманомача бериш муддати тугагунига қадар буюртманомача бериш.

Буюртманомача дастур ёрдамида автоматик тарзда текширилади, текширув натижаси ва қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчига зудлик билан хабар қилинади.

24. Буюртманомача ушбу Низомнинг 23-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, бир вақт-

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг ўзида ариза берувчи электрон танлов иштирокчиси мақомини олганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда, у электрон танловда иштирок этишга қўйилади.

Электрон танлов иштирокчиларига улар электрон танловда иштирок этишда фойдаланиш учун шахсий тартиб рақамлари берилади.

25. Буюртманома ушбу Низомнинг 23-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, электрон танловда иштирок этишга буюртманома зудлик билан рад этилади ва бир вақтнинг ўзида бу ҳақда ариза берувчига аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда билдиришнома юборилади.

Бунда, ариза берувчи билдиришномада кўрсатилган аризани қабул қилиш вақти яқунлангунига қадар электрон танловда иштирок этишга буюртманомани ундаги камчиликларни бартараф қилган ҳолда тақроран юборишга ҳақли.

26. Оператор буюртманомаларнинг сақланишини, шунингдек, улар сир тутилишини таъминлайди.

Буюртманомаларни қабул қилиш даврида, шунингдек, электрон танловни ўтказиш давомида операторнинг веб-порталида танлов иштирокчилари ҳақидаги маълумотларни (юридик шахснинг номи ва почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами, иштирокчини аниқлаш имконини берадиган бошқа маълумотларни) акс эттиришга йўл қўйилмайди.

6-боб. Электрон танловни ўтказиш тартиби

27. Электрон танлов операторнинг веб-порталида билдиришномада кўрсатилган кун ва вақтда бошланади.

28. Танлов таклифларини баҳолаш ва электрон танлов ғолибини аниқлаш ушбу Низомга 7-иловага* мувофиқ танлов таклифларини баҳолаш шакли бўйича балли тизимдан фойдаланган ҳолда дастур ёрдамида автоматик тарзда амалга оширилади.

Танлов таклифларини баҳолаш якуни бўйича энг юқори балл тўплаган иштирокчи электрон танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Икки ва ундан ортиқ танлов иштирокчилари тенг балл тўплаган тақдирда буюртманомани олдинроқ рўйхатдан ўтказган иштирокчи ғолиб деб эътироф этилади.

29. Электрон танлов унда иштирок этишга қўйилган икки ёки ундан ортиқ иштирокчи мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

30. Ягона электрон савдо майдончасининг ишлашида электрон танловни ўтказишга тўсқинлик қиладиган техник узилиш содир бўлган ҳолларда, электрон танловни ўтказиш санаси ва вақти ҳақида электрон танлов иштирокчиларини мажбурий хабардор қилган ҳолда электрон танлов техник узилиш бартараф қилинган кундан кейинги кунда давом эттирилади.

31. Электрон танлов яқунланганда операторнинг веб-порталида автоматик тарзда электрон танлов ғолибининг номи акс эттирилади.

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

32. Электрон танлов қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб эътироф этилади:

биронта ариза берувчи электрон танловда иштирок этиш учун қўйилмаган бўлса, шу жумладан, унда иштирок этиш учун биронта буюртманома тушмаган бўлса;

электрон танловда иштирок этиш учун фақат битта иштирокчи қўйилган ва у ушбу Низомнинг 37-банди учинчи хатбошида назарда тутилган тартибда шартнома тузишни рад этса;

ушбу Низомнинг 38-бандида назарда тутилган тартибда ҳудудда жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга буюртмачи билан шартнома тузиш таклиф этилган электрон танлов ғолиби ва танловнинг иккинчи иштирокчиси ушбу таклифни рад этса.

33. Электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилганда бу ҳақдаги маълумот ўтказилмаган деб эътироф этишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда операторнинг веб-порталида акс эттирилади.

Бир вақтнинг ўзида электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилганлиги тўғрисида буюртмачига маълумот юборилади.

34. Агар электрон танловда иштирок этиш учун фақат битта иштирокчи қўйилган бўлса, у электрон танлов ғолиби деб эътироф этилади ва ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида назарда тутилган тартибда электрон танлов натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилади.

7-боб. Ҳисоб-китоб қилиш ва электрон танлов натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш тартиби

35. Оператор кейинги иш кунидан кечиктирмай:

электрон танловда иштирок этиш учун электрон танлов ғолиби томонидан тўланган закат пулини буюртмачининг буюртмада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига ўтказди;

махсус бланкада электрон танлов натижалари ҳақидаги баённомани (кейинги ўринларда баённома деб аталади) расмийлаштиради, уни асосий муҳр билан тасдиқлайди ва электрон нусхасини (сканер қилинган) электрон танлов натижалари ҳақида хабардор қилган ҳолда белгиланган тартибда электрон танлов ғолиби ҳамда буюртмачига юборади.

Баённоманинг асл нусхаси электрон танлов ғолиби (ёки унинг ишончнома бўйича вакили)га имзо қўйдирилган ҳолда топширилади (ёки электрон танлов ғолибининг розилигига кўра почта жўнатмаси билан юборилади).

36. Электрон танлов натижалари ҳақидаги баённомада:

электрон танлов ўтказилган сана;

электрон танлов ғолиби ва электрон танловнинг бошқа иштирокчилари;

ҳудуд ва у ҳақидаги маълумотлар тавсифи;

жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатишга шартнома тузиш ҳамда буюртмачи томо-

нидан худудни электрон танлов ғолибига бириктириш ҳақида қарор қабул қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

37. Электрон танлов ғолиби баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида баённомани тақдим этган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузиш ҳамда унга худудни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни расмийлаштириш учун буюртмачига мурожаат қилади.

Буюртмачи худудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисидаги қабул қилинган қарорнинг электрон (сканер қилинган) нусхасини қарор қабул қилинганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай операторга юбориши шарт.

Агар электрон танлов ғолиби баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида буюртмачини жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузишни ҳамда худудни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни расмийлаштиришни рад этиш тўғрисида хабардор қилса (ёзма) ёки мурожаат қилмаса, у рад этган деб ҳисобланади ва буюртмачи кейинги иш кунидан кечиктирмай бу ҳақида операторга электрон тизим ёрдамида маълум қилади.

38. Оператор, ўз навбатида, электрон танлов ғолибининг шартнома тузишни рад этганлиги тўғрисидаги маълумотни олганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга буюртмачи билан шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф билан танлов иштирокчилари орасида танлов ғолибидан кейин юқори балл тўплаган навбатдаги иштирокчига (агар баллар тенг бўлса — аризани олдинроқ берганга) (кейинги ўринларда танловнинг иккинчи иштирокчиси деб юритилади) электрон хат юборади.

Бунда, агар танловнинг иккинчи иштирокчиси беш иш куни мобайнида ушбу Низомга 8-иловага* мувофиқ шаклдаги ва электрон рақамли имзо билан имзоланган билдиришномани операторга юбориш орқали таклифни қабул қилганлигини тасдиқласа, у электрон танлов ғолиби деб эътироф этилади ва унга ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида назарда тутилган тартибда электрон танлов натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилади.

Танловнинг иккинчи иштирокчиси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида баённоманинг асл нусхасини тақдим этган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузиш ҳамда унга худудни бириктириш тўғрисидаги қарорни расмийлаштириш учун буюртмачига мурожаат қилади.

39. Буюртмачи худудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг электрон (сканер қилинган) нусхасини қарор

* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қабул қилинганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай операторга юбориши шарт.

Агар танловнинг иккинчи иштирокчиси таклиф юборилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида буюртмачини жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга шартнома тузишни ҳамда ҳудудни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни расмийлаштиришни рад этиш тўғрисида хабардор қилса (ёзма) ёки мурожаат қилмаса, у рад этган деб ҳисобланади ва буюртмачи кейинги иш кунидан кечиктирмай бу ҳақида операторга электрон тизим ёрдамида маълум қилади. Бунда электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилади.

8-боб. Закалат пулини қайтариш тартиби ва шартлари

40. Ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида назарда тутилган тартибда электрон танлов натижалари тўғрисида баённома расмийлаштирилган танлов иштирокчиларига закалат пуллари қайтарилмайди ва маблағларни электрон танловларни ўтказиш ишларини ташкил этишга йўналтириш учун буюртмачининг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

41. Электрон танлов якунланганидан ёки ўтказилмаган деб эътироф этилганидан сўнг закалат пули қўйидаги тарзда қайтарилади, ушбу Низомнинг 40-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно:

а) танловнинг иккинчи иштирокчисининг ҳисобварағига:

ушбу Низомнинг 37-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда буюртмачининг ҳудудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисидаги қарорининг электрон (сканер қилинган) нусхаси олинган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай;

ушбу Низомнинг 39-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда — танловнинг иккинчи иштирокчиси рад этган деб эътироф этилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай;

б) бошқа иштирокчиларнинг ҳисобварағларига электрон танлов якунланган ёки уни ўтказилмаган деб эътироф этилган кунда.

42. Иштирокчининг шахсий ҳисобварағидаги пул маблағлари унинг электрон танловда ёки бошқа савдоларда иштирок этиш истаги йўқлиги ва пул маблағларини қайтариш тўғрисидаги аризасига асосан унинг банк ҳисобварағига қайтарилади.

9-боб. Ҳудудларни бириктириш тартиби

43. Буюртмачи электрон танлов ғолиби мурожаат қилганидан сўнг уч иш куни мобайнида ва баённомага асосан у билан ушбу Низомга 9-иловага* мувофиқ шакл бўйича жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга шартнома тузади

* 9-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳамда шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ҳудудни электрон танлов ғолибига 5 йилга бириктириш тўғрисида қарор қабул қилади.

44. Агар электрон танлов ушбу Низомнинг 32-бандида назарда тутилган ҳолларга асосан ўтказилмаган деб эътироф этилган тақдирда, буюртмачи ҳудудни электрон танлов ўтказмасдан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Тоза ҳудуд» ёки Тошкент шаҳар «Махсустранс» давлат унитар корхоналарига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

45. Электрон танлов ғолиблари буюртмачи томонидан уларга ҳудудни бириктириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришадилар.

Бунда, ариза берувчининг танлов тақлифида кўрсатилган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўлов тарифларининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланиши шарт.

10-боб. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати

46. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, қўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари аппаратларидаги ҳудудий инспекциялари, шунингдек шаҳарлар ва туманларга бириктирилган давлат инспекторлари маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича фаолиятнинг амалга оширилиши устидан доимий тарзда давлат назоратини амалга оширадилар.

47. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш жадвалининг бажарилиши, махсус автотранспорт воситасининг белгиланган ҳудудга ўз вақтида етиб келиши ва маиший чиқиндиларнинг олиб кетилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

11-боб. Яқунловчи қоида

48. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**781** **Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнат фаолиятини амалга оширувчи айрим алоҳида тоифадаги пенсионерларга мақбул шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5291-сон Фармони бажариш юзасидан, шунингдек, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 сентябрь,
766-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 25 сентябрдаги 766-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 октябрдаги 223-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

18-банддаги «10-кундан» сўзи «3-кундан» сўзи билан алмаштирилсин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

19-банддаги «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компаниясининг унитар корхоналари (нефть базалари) ҳар ойда 27-кундан» сўзлари «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик жамиятининг «Нефтбаза» МЧЖлари ҳар ойда 10-кундан» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомда:

13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Жамғарма билан ахборот алмашинувини, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ҳамкорликни амалга оширади ва Жамғарманинг ижро этувчи аппаратига:

Жамғармага ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар кесимидаги мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар турлари бўйича (боқиманда) қарздорлик тўғрисидаги тезкор ҳисоботни;

юрidik шахслар томонидан чораклик ва йиллик ҳисобот тақдим этилгандан кейин 25 кун мобайнида мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тўғрисидаги ҳисоботни вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар бўйича тақдим этади.»

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 27-модда):

а) 1-иловада:

13-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Вақтинчалик прописка (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг амал қилиш муддатининг тугаши билан вақтинчалик прописка (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг кейинги санаси ўртасида узилиш мавжуд бўлган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими томонидан нафақани тўлаш вақтинчалик прописка (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг янги санасидан бошлаб давом эттирилади. Бунда нафақани тўлаш нафақа тўлаш тўхтатилган пайтдан, бироқ ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган пайтдан бошлаб давом эттирилади.»;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Ногиронлиги бўлган болага, ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахс ёки 16 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсга тегишли бўлган ва унинг ўлими сабабли олинмай қолган нафақа суммаси мерос таркибига киритилмайди ва унинг ота-онасига, эрига (хоти-

нига), шунингдек, ногиронлиги бўлган бола, ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахс ёки 16 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс билан у вафот этган кунда бирга яшайдиган оила аъзоларига тўланади.

Ногиронлиги бўлган бола, ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахс ёки 16 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс вафот этган ой учун тўлиқ олинмай қолган нафақа суммаси юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларга мазкур ойнинг ногиронлиги бўлган шахснинг ўлимигача бўлган кунлари учун тўланади.

Бир неча шахс мурожаат қилишганда уларга тегишли нафақа суммаси улар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

Кўрсатиб ўтилган сумма, уни олиш учун ногиронлиги бўлган бола, ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахс ёки 16 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс вафотидан кейин 6 ойдан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади.»;

б) 2-иловада:

9-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«9. Ногиронлик нафақаси ногиронлик содир бўлган ҳолларда, ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тайинланади ва тўланади»;

11-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«11. Қабул қилинган хулоса асосида ТМЭК етти кун муддатда тиббий текшириш далолатномасидан кўчирмани Пенсия жамғармаси бўлимига юборди»;

25-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Вақтинчалик прописка (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг амал қилиш муддатининг тугаши билан вақтинчалик прописка (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг кейинги санаси ўртасида узилиш мавжуд бўлган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими томонидан нафақани тўлаш вақтинчалик прописка (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида келган жойи бўйича ҳисобга олиш)нинг ёки яшаш учун рухсатноманинг янги санасидан бошлаб давом эттирилади. Бунда нафақани тўлаш нафақа тўлаш тўхтатилган пайдан, бироқ ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган пайдан бошлаб давом эттирилади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 июндаги 174-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2011 й., 6-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7. Ушбу Низомда назарда тутилган тартибда дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахс нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади. Дафнни ўтказганлик ҳолати ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган маълумотлар асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижий давлат ҳудудида дафн этилган тақдирда, дафн этиш ҳолати тегишли ҳужжатлар, шунингдек, дафн этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган фуқаронинг паспортидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтганлигини тасдиқловчи ёзувлар (муҳр, штамплар ёки белгилар) орқали аниқланади;

б) 24-банддаги ««Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқасининг объектлари операторлари ва провайдерлари (кейинги ўринларда почтанинг таркибий бўлинмалари деб аталади)» сўзлари «нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин»;

в) 25-бандда:

иккинчи хатбошидаги «почтанинг тегишли таркибий бўлинмасига» сўзлари «нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотга» сўзлари билан алмаштирилсин»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ариза берувчи мурожаат қилган кунда нафақа тўлашга ведомостни расмийлаштириш ҳамда ариза берувчига нафақа тўлашни амалга ошириш учун нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотга ахборот тизими орқали тақдим этиш»;

тўртинчи хатбошидаги «почтанинг таркибий бўлинмаси» сўзлари «нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин»;

г) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот ведомостга ва ариза берувчининг паспортига, паспорт бўлмаган тақдирда эса ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга қатъий асосланиб нақд пул маблағларини тўлайди»;

д) 27 ва 43-бандлар ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) қарорида:

а) 1-иловада:

4-банддаги «кўриб чиқиш» сўзларидан кейин «Қонунда назарда тутилган шартлар ва нормалар асосида ҳамда» сўзлари қўшилсин;

31-банднинг иккинчи хатбошидаги «махсус дафтарда» сўзлари «Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида» сўзлари билан алмаштирилсин;

35-бандда:

«а» кичик бандида:

тўртинчи хатбошидаги «иш вақти» сўзларидан кейин «олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб» сўзлари қўшилсин;

олтинчи хатбошидаги «махсулотларини сотиш» сўзларидан кейин «, шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотларини) етиштириш билан банд бўлган» сўзлари қўшилсин;

46-банднинг биринчи хатбошидаги «махсулотларини сотиш» сўзларидан

кейин «, шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотларини) етиштириш» сўзлари қўшилсин;

55-банднинг иккинчи хатбошидаги «ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида Пенсия жамғармаси бўлими» сўзлари «давлат солиқ хизмати органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

56-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларга иш стажини тасдиқлаш учун қонунчиликда назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда судларга даъволар тайёрлашда кўмаклашишади»;

70-банддаги «ташкилотнинг» сўзидан кейин «(солиқ тўловчи ташкилотнинг идентификация рақамини кўрсатган ҳолда)» сўзлари қўшилсин;

79-банддаги «таътиллarda бўлиш» сўзларидан кейин «, шунингдек тайёрлов курсларида ўқиш даври» сўзлари қўшилсин;

88-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Мехнат дафтарчасидаги суд тартибида сохталаштирилган (қалбакилаштирилган) деб топилган ёзувлар мехнат фаолиятининг охириги ўн йиллик даврига киритилмайди.»;

91-банддаги «Мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари» сўзлари «Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

113¹-банднинг биринчи хатбошидаги «пенсияга» сўзи «ишламайдиган пенсионернинг пенсиясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

134 ва 135-бандларнинг тўртинчи хатбошилардаги «маҳсус дафтарда» сўзлари «Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида» сўзлари билан алмаштирилсин;

163-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«163. 2011 йил 1 январдан кейин ногиронликнинг III гуруҳи белгиланган шахсларга, шу жумладан, такрорий тиббий кўрикдан ўтказилгандан сўнг ногиронликнинг III гуруҳи белгиланган шахсларга ногиронлик пенсияси тайинланмайди ва тўланмайди, Чернобиль ҳалокати оқибатида III гуруҳ ногиронлигини олган шахслардан ташқари.

Мисол: Фуқарога 2010 йилда тайинланган III гуруҳ ногиронлик пенсияси ногиронликнинг бутун даври давомида тўланади. Ушбу фуқаро 2011 йил 1 январдан кейин такрорий тиббий кўрикдан ўтказилгандан сўнг қайта ногиронликнинг III гуруҳи белгиланса пенсия тўланиши тўхтатилади.»;

172-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши қўшилсин:

«Пенсионер хорижий давлатда бўлган ва соғлиғи туфайли Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда пенсионер Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига пенсия тўловини тиклаш юзасидан мурожаат этиши мумкин ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмас-

лигини, шунингдек, пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим.»;

ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбошидаги «қамок» сўзи «озодликдан маҳрум этиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

177-банднинг иккинчи хатбошидаги «ҳисоблаб чиқилади» сўзларидан кейин «, бунда ариза берилган ойда ҳисобланган (тўланган) пенсия пули ҳисобга олинади» сўзлари қўшилсин;

202-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Пенсионер Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг ортиқча тўланган пенсия суммасини чегириб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган санадан бошлаб кўпи билан уч йил учун суд орқали ундирилади»;

203-банддаги «Назорат-тафтиш» сўзлари «Давлат молиявий назорати» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 декабрдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 52-сон, 622-модда) билан тасдиқланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда:

4-банддаги «10» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«5. Пенсионернинг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими ҳар ойда ойнинг 15-санасигача Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг харажатлари бўйича қарздорлиги суммаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.»

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек, уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидан «шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик ёки фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий Бюролардан (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатнома олган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс бошқа давлатда ишлаган ҳар бир оғи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлайди.

Чет элда бўлиш даври меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар, паспортдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги ёзувлар (муҳрлар, штамплар ёки белгилар) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг кўрсатиб ўтилган шахсининг бошқа давлатда бўлган вақти ва консуллик ҳисобига қўйилганлиги маълумоти кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида тасдиқланади.»;

в) 8-бандда:

«ҳар оғи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан кам бўлмаган» сўзлари «йилига Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробари» сўзлари билан алмаштирилсин;»;

г) 11-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;
иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда биринчи ва иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 19-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ушбу мақсадларда» сўзлари «Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш учун» сўзлари билан алмаштирилсин;
учинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
тўртинчи — олтинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;
еттинчи хатбошидаги «, шу жумладан» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Давлат солиқ органи яқка тартибдаги тадбиркордан (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсдан, деҳқон хўжалиги аъзосидан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси учун) Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тушиши юзасидан доимий назорат олиб боради.»;

ж) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар сифатида:

2018 йилгача — Пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг тўланганлигини тасдиқловчи банк квитанциялари ва тўлов ҳужжатлари;

2018 йилдан бошлаб — давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлари ҳисобланади.»;

з) 28-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

и) 38-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«38. Яқка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходим, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси) то-

монидан Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш далили гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқланмайди.»;

к) 1 — 3 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

782 Гербли гувоҳномалар шаклларини такомиллаштириш ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини яхшилаш тўғрисида*

Гербли гувоҳномалар шаклларини такомиллаштириш ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 июндаги ПҚ–3785-сон қарорида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФХДЁ деб аталади) органларида сақланаётган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини рақамли кўринишга ўтказилишини 2022 йил 1 январга қадар тугатиш, кейинчалик «Ягона электрон ФХДЁ архиви» ахборот тизими билан интеграциялаштириш учун ягона электрон ФХДЁ архив фондини шакллантириш назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш учун ҳар бир ФХДЁ бўлимида сақланаётган 200 мингдан ортиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларидан келиб чиққан ҳолда, 2018 йил 1 октябрдан 2022 йил 1 январгача ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари (кейинги ўринларда ФХДЁ бўлимлари деб аталади) учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларида (кейинги ўринларда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари деб аталади) архивариус лавозими жорий этилсин.

3. ФХДЁ бўлимларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон ҳужжат айланишига ўтилиши муносабати билан 2022 йил 1 январдан бошлаб, ФХДЁ бўлимлари ходимларининг соини белгилаш мезонлари қайта кўриб чиқилсин.

4. 2019 йил 1 январдан бошлаб туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, ни-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 сентябрда эълон қилинган.

коҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномалар бланкаларини (кейинги ўринларда гербли гувоҳномалар деб аталади) қўлда тўлдириш бўйича талаблар бекор қилинсин ва уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фақат босма ҳарфлар билан тўлдириш тартиби жорий этилсин.

5. Туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномалар бланкаларининг шакллари 1 — 4а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин ва 2019 йил 1 январдан жорий этилсин.

Гербли гувоҳномаларни улар тўлиқ ишлатиб бўлингунгача амалдаги бланкларда расмийлаштириш ва беришга рухсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларини янги гербли гувоҳномалар бланкалари билан;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда архивариуслар штат бирликларини сақлаш, шунингдек, ягона электрон базани шакллантириш учун жорий этилаётган архивариусларни компьютер техникаси, сканерловчи ва сервер ускуналари билан жиҳозлашни таъминласин.

7. Белгилансинки, архивариуслар штат бирликларини сақлаш ва ягона электрон базани шакллантириш учун жорий этилаётган архивариусларни компьютер техникаси, сканерловчи ва сервер ускуналари билан жиҳозлаш:

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ФХДЁ бўлимлари томонидан ундириладиган давлат божларидан;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус ҳисобрақамига тушадиган герб йиғимидан;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

ФХДЁ органларини янги гербли гувоҳномалар бланкалари билан;

гербли гувоҳномалар бланкаларини ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш, шунингдек, улардан фойдаланиш тартибига сўзсиз риоя этилишини таъминласин;

бир ой муддатда ФХДЁ бўлимларининг гербли гувоҳномаларни тўлдириш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

жорий этилаётган архивариусларнинг ФХДЁ бўлимларида сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланишини ва ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш учун тўлақонли иш шароитлари билан таъминласин;

* 1 — 4а-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг таклифига асосан ФХДЁ бўлимларини гербли гувоҳномаларни чиқариш учун махсус принтерлар билан таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Гербли гувоҳномалар шакллари ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 29-модда) 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 сентябрь,
768-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 сентябрдаги 768-сон қарорига
5-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Гербли гувоҳномалар шакллари ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гербли гувоҳномалар берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида».

2. Муқаддимадан «хамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан бериладиган гербли гувоҳномалар шакллари ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. 1-банд ва 1 — 4а-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. 3-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«гербли гувоҳномалар бланкаларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминласин».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****783 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 71-сон буйруғи (рўйхат рақами 2358, 2012 йил 4 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 19-сон, 210-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 август,
216-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
13 августдаги 216-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва
Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Қонун кучга киргунга қадар, яъни 2011 йил 15 сентябргача олди-сотди, ҳада, айирбошлаш шартномалари асосида, қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ва хусусийлаштириш асосида, суд қарорига кўра, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ҳамда мазкур Йўриқномага мувофиқ уй-жой олган фуқаролар Рўйхатнинг 1-бандига асосан прописка қилинади.».

иккинчи хатбошидаги «хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (кейинги ўринларда ХЧКваФРБ деб юритилади)» деган сўзлар «Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (кейинги ўринларда МваФРБ деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатнинг 1 ва 8-бандлари асосида Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2-банди асосида доимий прописка қилинади.».

2. 5-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қонун кучга киргунга қадар, яъни 2011 йил 15 сентябргача доимий прописка қилинган шахсларнинг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари уларнинг турар жой майдонига Рўйхатнинг 2-банди бўйича доимий прописка қилинади.»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишлича иккинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган фуқаролар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:»;

олтинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);»;

ўнинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 6-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги етим болалар, ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган турар жойга Рўйхатнинг 3-банди бўйича доимий прописка қилинади.»;

иккинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишлича учинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқаронинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, шунингдек васийлик ёки ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);»;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомга мувофиқ васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишга муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.».

4. 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);»;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);».

5. 8-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

«Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинганидан сўнг бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда, эр (хотин) Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида олинган доимий пропискани йўқотди.»;

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-лар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);»;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Рўйхатнинг 5-банди асосида доимий прописка қилинадиган фуқароларнинг олдинги никоҳидан ёки никоҳсиз туғилган фарзандлари (ўз оиласига эга бўлмаган) Рўйхатнинг 2-банди бўйича доимий прописка қилинадилар.».

6. 9-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларнинг, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);».

7. 10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларнинг, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);».

8. 11-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларнинг, шунингдек, васийлик ёки хомийликни тасдиқлайдиган хужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);»;

ўнинчи хатбошидаги «дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси» деган сўзлар «диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 12-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатнинг 8-бандига кирадиган фуқаролар турар жой сотиб олгандан кейин ТШИИБ МваФРБга мазкур Йўриқноманинг 11-бандида кўрсатилган хужжатларни тақдим этади, бундан уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида аризаси (розилиги) мустасно.».

10. 13-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларнинг, шунингдек, васийлик ёки хомийликни тасдиқлайдиган хужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Молия-хўжалик департаменти раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери (улар жойида бўлмаганда — уларнинг ўринбосарлари), шунингдек тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқарувчиси томонидан имзоланган Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисидаги илтимоснома;».

11. 14-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларнинг, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);»;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

12. 15-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларнинг, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);»;

тўққизинчи хатбошидан «, шунингдек лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқдан кўчирма» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Фуқаро Давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ёки адлия органларига ишга қабул қилинган ёки ўтказилган тақдирда ишга қабул қилинаётган шахсни (ходимни) доимий прописка қилиш тўғрисидаги илтимоснома (ишончлилиги кафолатланган ҳолда) кўрсатиб ўтилган органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан ҳам имзоланиши мумкин.»;

ўнинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

13. 16-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларнинг, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);».

14. 17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Мазкур Йўриқноманинг 11-банди ўнинчи хатбошисида (диплом нухасидан ташқари), 13-банди тўққизинчи хатбошисида, 14-банди саккизинчи хатбошисида ва 15-бандининг тўққизинчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатлар органлар ёки ташкилотларнинг кадрлар хизмати томонидан расмий алоқа йўллари (почта ёки фельдъегерлик хизмати) орқали фуқаронинг вақтинча (ёки режалаштирилаётган) яшаш жойи бўйича ТШИИБ МваФРБга юборилади. Ҳужжатларни ариза берувчининг ўзидан ёки бошқа шахслардан қабул қилиб олиш тақиқланади.»

15. 18-банддаги «ХЧКваФРБга» қисқартмаси «МваФРБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

16. 19 ва 20 бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«19. Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари билдиришномаси асосида ТШИИБ МваФРБ, агар ушбу фуқарода доимий прописка учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, фуқарони белгиланган тартибда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан илгариги яшаш жойига ёки фуқаронинг аризасига кўра бошқа минтақага пропискадан чиқаради. Фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан пропискадан чиқишдан бош тортиган тақдирда доимий прописка мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ ТШИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланган хулоса асосида бекор қилинади.

Орган ва ташкилотлар раҳбарлари илтимосномаси асосида Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган шахс, ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган бошқа орган ва ташкилотларга ишга ўтган тақдирда, унинг пропискаси бекор қилинмайди.

Бунинг учун фуқаро бир ой муддат ичида, бошқа орган ва ташкилотга ўтганлиги ҳақида иш жойидан берилган маълумотни ТШИИБ МваФРБга тақдим этиши лозим.

20. Рўйхатнинг 2 (хотини ёки эри, ўз оиласига эга бўлмаган вояга етган болалар ҳамда эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки) илгариги никоҳдан туғилган ёхуд никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалар, шунингдек фарзандликка олинган болалар бундан мустасно), 3, 5, 9 — 12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.»

17. Қуйидаги мазмундаги 20¹-банд билан тўлдирилсин:

«20¹. Рўйхатнинг 9 — 12-бандлари бўйича доимий прописка қилинган фуқароларнинг улар билан бир вақтда доимий пропискани расмийлаштирмаган оила аъзоларини (эри, хотини, шунингдек ўз оиласи бўлмаган фарзандларини) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш, турар жой майдони мулкдорининг (мулкдорларининг) розилиги билан тегишли равишда Рўйхатнинг 9 — 12-бандлари бўйича амалга оширилади.»

18. 21 ва 22-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

19. 23-банддаги, 25-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги,

27-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 29-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 32-банддаги ҳамда 1, 3, 4, 5 ва 7-иловалардаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» қисқартмалари тегишлича «МваФРБ» ва «МваФРБга» қисқартмалари билан алмаштирилсин.

20. 24-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Рўйхатнинг 2, 5, 9 — 11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар доимий прописка қилинган (лавозимида турган) кундан бошлаб уч йил ўтгандан кейин турар жой сотиб олган тақдирда, улар ва улар билан бирга Рўйхатнинг 2, 5, 9 — 11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар ушбу турар жойга Рўйхатнинг 1-банди бўйича доимий прописка қилинади.».

21. 30-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Доимий пропискани расмийлаштирган ёки бекор қилган ТШИИБ МваФРБ ҳафтасига икки марта жўнаб кетиш ва келиш тўғрисидаги варақларни Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ Манзил маълумотлар бюрolarига юбориб туриши шарт.

ТШИИБ МваФРБ томонидан жўнаб кетиш ва келиш тўғрисидаги варақлар билан бир вақтда бир нусхада статистика ҳисоби талони тайёрланади (фуқаро бошқа минтақадан прописка қилинганда, шунингдек бошқа минтақага прописка қилинганда) ҳамда камида ойда бир марта ҳудудий статистика органларига юборилади.».

22. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

***Давлат хавфсизлик
хизмати раиси***

И. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 9 август

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2018 йил 10 август

Ташқи ишлар вазири

А. КОМИЛОВ

2018 йил 7 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**784** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг
худудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссия-
лари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар кири-
тиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 69-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 1921, 2009 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 134-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестриға тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибға солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасиға юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 сентябрь,
466-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 25 сентябрдаги
466-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий
бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги
низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 18-банднинг тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 18¹-банд билан тўлдирилсин:

«18¹. Малака имтиҳонини топшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар талабгор томонидан ҳудудий бошқармага бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки уларнинг олингани тўғрисидаги билдиришнома билан электрон шаклда тақдим этилади.».

3. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Талабгор томонидан малака имтиҳонини топшириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхат бўйича бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки электрон шаклда масъул котиб томонидан қабул қилинади, рўйхат нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда талабгорга юборилади (топширилади).».

4. 26-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Малака имтиҳони жараёни Интернет тармоғида реал вақт режимида видеотрансляция қилинади.».

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

*Адвокатлар палатаси
раиси в. б.*

Ш. САДИКОВ

2018 йил 24 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**785 Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги ни-
зомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3069*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 август,
19-2018-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон буйруғига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом 2018-2019 ўқув йилида, шунингдек кейинги ўқув йилларида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда қўлланилади.

2. Мазкур Низом талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда қўлланилмайди.

3. Талабалар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан биринчи машғулотда мазкур Низом талаблари билан таништирилиши шарт.

4. Талабалар билимини баҳолашда малакавий амалиёт, курс иши, фан (фанлараро) давлат аттестацияси, битирув малакавий иши, шунингдек магистратура босқичида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар ҳамда магистрлик диссертацияси бўйича мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари қўлланилади.

2-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари

1-§. Назорат турлари

5. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш оралик ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

6. Оралик назорат семестр давомида ишчи фан дастурининг тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мақсадида ўқув машғулотлари давомида ўтказилади.

7. Оралик назорат тури ҳар бир фан бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 2 мартагача ўтказилиши мумкин.

Оралик назорат турини ўтказиш шакли ва муддати фаннинг хусусияти ва фанга ажратилган соатлардан келиб чиқиб тегишли кафедра томонидан белгиланади.

8. Оралик назорат турининг топшириқлари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва мазкур кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

9. Семестр давомида ҳафтасига 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фанлар бўйича оралик назорат тури ўтказилмайди.

10. Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулотлари ва мустақил таълим топшириқларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машғулотлардаги фаоллиги фан ўқитувчиси томонидан баҳолаб борилади. Баҳолаш мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган мезонлар асосида амалга оширилади.

Талабани оралик назорат тури бўйича баҳолашда, унинг ўқув машғулотлари давомида олган баҳолари инobatга олинади.

11. Якуний назорат тури семестр якунида (тиббиёт олий таълим муас-

сасаларида фан якунида) тегишли фан бўйича талабанинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

12. Якуний назорат турини ўтказиш шакли тегишли фан бўйича кафедра томонидан белгиланади.

13. Якуний назорат тури олий таълим муассасасининг тегишли факультет декани ёки ўқув-услубий бўлим томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланадиган Якуний назорат турларини ўтказиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

14. Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралиқ ва якуний назорат турлари объектив тизимлаштирилган клиник синов ёки объектив тизимлаштирилган имтиҳон шаклларида ўтказилиши мумкин.

2-§. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари

15. Талабаларнинг билими қуйидаги мезонлар асосида:

талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 5 (аъло) баҳо;

талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 4 (яхши) баҳо;

талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 3 (қониқарли) баҳо;

талаба фан дастурини ўзлаштирамаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда — 2 (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланади.

16. Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни талабанинг ўзлаштиришини холис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши шарт.

3-боб. Талабалар билимини баҳолаш

17. Талабалар билимини баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

18. Оралиқ назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Якуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўқув машғулотларини олиб бормаган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи якуний назорат турини ўтказишда иштирок этиши тақиқланади.

Якуний назорат турини ўтказишда келишув асосида бошқа олий таълим муассасаларининг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкин.

19. Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш, шунингдек талабаларнинг билимини баҳолаш тегишли кафедра мудирини томонидан ташкил этиладиган комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркиби тегишли фан профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотларнинг соҳа мутахассислари ҳам жалб қилиниши мумкин.

20. Олий таълим муассасасида назорат турларининг ўтказилиши тегишли олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан доимий равишда ўрганиб борилади. Бунда назорат турларининг ўтказилиш тартиби бузилганлиги аниқланган ҳолларда, ўтказилган назорат турларининг натижалари бекор қилиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан ўтказилиши мумкин.

21. Талаба тегишли фан бўйича якуний назорат тури ўтказиладиган муддатга қадар оралиқ назорат турини топширган бўлишлари шарт.

22. Оралиқ назорат турини топширмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба якуний назорат турига киритилмайди.

Якуний назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади.

23. Талаба узрли сабабларга кўра оралиқ ва (ёки) якуний назорат турига кирмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта топширишга факультет деканининг фармойиши асосида рухсат берилади.

24. Бир кунда 1 тадан ортиқ фан бўйича якуний назорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди. Якуний назорат турларини ўтказиш камида 2 кун оралиғида белгиланиши лозим.

25. Битирувчи курс бўлмаган талабалар кузги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган ҳолларда талабага бир ойгача, баҳорги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган талабага тегишли фан (фанлар) бўйича оралиқ ва (ёки) якуний назорат турларини янги ўқув йили бошидан қайта топшириш учун 1 ой муддат берилади.

Битирувчи курс талабаларига баҳорги семестр натижалари бўйича ўзлаштирмаган фандан (фанлардан) қайта топшириш учун якуний давлат аттестацияси бошлангунга қадар рухсат берилади.

Фанлардан академик қарздорлиги 4 та ва ундан кўп бўлган талабаларга қайта топширишга рухсат берилмайди ва улар олий таълим муассасаси рек-

торининг (бошлигининг, филиал директорининг) буйруғи билан курсдан қолдирилади.

26. Талабага оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини қайта топшириш учун берилган муддат давомида талаба томонидан қайта топширишлар сони 2 мартадан кўп бўлмаслиги керак.

Талаба оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини биринчи марта қайта топширишдан ўта олмаган тақдирда, факультет декани томонидан комиссия тузилади. Комиссия таркиби тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Иккинчи марта оралиқ ва (ёки) якуний назорат турини ўтказиш ва талабани баҳолаш мазкур комиссия томонидан амалга оширилади.

27. Берилган муддат давомида мавжуд бўлган қарздорликни топшира олмаган талаба бўйича факультет декани билдирги билан олий таълим муассасаси ректорини (бошлигини, филиал директорини) хабардор қилади ва ушбу талаба ректор (бошлик, филиал директори) буйруғи асосида курсдан қолдирилади.

28. Талаба узрли сабабларсиз малакавий амалиётга қатнашмаган, шунингдек малакавий амалиёт якунлари бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ҳолларда, у академик қарздор ҳисобланади ва курсдан қолдирилади.

29. Курсда қолдирилган талаба фанни (фанларни) ўзлаштирмаган семестр бошидан тўлов-контракт асосида мазкур ўқув йилининг тегишли семестри учун тасдиқланган ўқув режага мувофиқ ўқишни давом эттиради.

30. Баҳолаш натижасидан норози бўлган талабалар факультет декани томонидан ташкил этиладиган Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

31. Апелляция комиссияси таркибига талабани баҳолашда иштирок этмаган тегишли фан профессор-ўқитувчилари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

32. Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

33. Талабанинг апелляциясини кўриб чиқишда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга.

34. Апелляция комиссияси талабанинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда талабанинг тегишли фанни ўзлаштиргани ёки ўзлаштира олмагани кўрсатилади.

Апелляция комиссияси тегишли қарорни факультет декани ва талабага етказилишини таъминлайди.

4-боб. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш

35. Талабалар билимини баҳолаш тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи томонидан Талабаларнинг фанларни ўзлаштиришини ҳисобга олиш жур-

налида (бундан буён матнда Журнал деб юритилади) қайд этиб борилади. Профессор-ўқитувчи қўшимча равишда талабалар билимини баҳолашни электрон тизимда ҳам юритиши мумкин.

Профессор-ўқитувчи Журналда талабага қўйилган баҳоларни шу куннинг ўзида қайд этиб боради. Агар талабанинг билимини баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, бунда профессор-ўқитувчи талабаларнинг натижаларини 3 кундан кўп бўлмаган муддатда Журналга қайд этиши лозим.

36. Назорат тури бўйича талабанинг билими «3» (қониқарли) ёки «4» (яхши) ёхуд «5» (аъло) баҳо билан баҳоланганда, назорат турини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

37. Талаба назорат тури ўтказилган вақтда узрли сабабларсиз қатнашмаган ҳолларда Журналга «0» белгиси ёзиб қўйилади.

38. Журнал тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи, кафедра мудир ва факультет декани томонидан имзоланади ҳамда факультет деканатида сақланади. Журналнинг сақланиши учун факультет декани масъул ҳисобланади.

39. Талабаларнинг якуний назорат тури бўйича баҳолари Журналга қайд этилганда, шу куннинг ўзида талабанинг Баҳолаш дафтарига ҳам ёзиб қўйилиши керак.

40. Якуний назорат тури бўйича талабанинг билими «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ёки Журналга «0» белгиси ёзиб қўйилган ҳолларда ушбу баҳо ёки белги талабанинг Баҳолаш дафтарига ёзилмайди.

41. Журналнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ юритилиши, шунингдек ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга асоссиз ўзгартиришлар киритилмаслиги учун факультет декани ва тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи масъул ҳисобланади.

42. Тегишли ўқув йили якуни бўйича ишчи ўқув режадаги фанлар бўйича «3» (қониқарли) ёки «4» (яхши) ёхуд «5» (аъло) баҳо билан баҳоланган талаба олий таълим муассасаси ректорининг (бошлигининг, филиал директорининг) буйруғига асосан кейинги курсга ўтказилади.

43. Баҳолаш натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

44. Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида талабалар ўзлаштиришини баҳолаш тизимини 5 баҳо ёки 100 баллик тизим ва илғор хорижий давлатлар олий таълим тизимида қўлланиладиган баҳолаш тизимига қиёсий таққослаш ҳамда уларга ўтказиш мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ жадваллар асосида амалга оширилади.

5-боб. Якуний қоида

45. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар

вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

1-жадвал

**Баҳолашни 5 баҳолик шкаладан 100 баллик шкалага ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала
5,00 — 4,96	100	4,30 — 4,26	86	3,60 — 3,56	72
4,95 — 4,91	99	4,25 — 4,21	85	3,55 — 3,51	71
4,90 — 4,86	98	4,20 — 4,16	84	3,50 — 3,46	70
4,85 — 4,81	97	4,15 — 4,11	83	3,45 — 3,41	69
4,80 — 4,76	96	4,10 — 4,06	82	3,40 — 3,36	68
4,75 — 4,71	95	4,05 — 4,01	81	3,35 — 3,31	67
4,70 — 4,66	94	4,00 — 3,96	80	3,30 — 3,26	66
4,65 — 4,61	93	3,95 — 3,91	79	3,25 — 3,21	65
4,60 — 4,56	92	3,90 — 3,86	78	3,20 — 3,16	64
4,55 — 4,51	91	3,85 — 3,81	77	3,15 — 3,11	63
4,50 — 4,46	90	3,80 — 3,76	76	3,10 — 3,06	62
4,45 — 4,41	89	3,75 — 3,71	75	3,05 — 3,01	61
4,40 — 4,36	88	3,70 — 3,66	74	3,00	60
4,35 — 4,31	87	3,65 — 3,61	73	3,0 дан кам	60 дан кам

**Олий таълимда талабалар ўзлаштиришини баҳолаш тизимларини қиёсий таққослаш
ЖАДВАЛИ**

Таклиф этилаётган Ўзбекистон тизими	Россия tizimi (МДУ)*	Европа кредит трансфер tizimi (ECTS — European Credit Transfer System)	Америка tizimi (A-F)	Британия tizimi (%)	Япония tizimi (%)	Корея tizimi (%)	Ўзбекистон tizimi (%)
«5»	«5»	«A»	«A+»	70 — 100	80 — 100	90 — 100	90 — 100
			«A»				
			«A-»				
«4»	«4»	«B»	«B+»	60 — 64	70 — 79	80 — 89	70 — 89,9
		«C»	«B»	50 — 59			
			«B-»				
«3»	«3»	«D»	«C+»	45 — 49	60 — 69	70 — 79	60 — 69,9
		«E»	«C»	40 — 44		60 — 69	
			«C-»				
			«D+»				
			«D»				
«D-»							
«2»	«2»	«FX»	«F»	0 — 39	0 — 59	0 — 59	0 — 59,9
		«F»					

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

786 Хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ихтиёрий рўйхатдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3070*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ–3839-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ихтиёрий рўйхатдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 август,
21-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2018 йил 10 августдаги
21-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини
амалга ошириш учун хорижга кетаётган, шунингдек хорижда
меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг
ихтиёрий рўйхатдан ўтиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ–3839-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг (бундан буён матнда Фуқаро деб юритилади) ихтиёрий рўйхатдан ўтиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Фуқароларнинг рўйхатдан ўтишлари ихтиёрий ҳисобланади ва электрон шаклда амалга оширилади.
2. Фуқароларнинг рўйхатдан ўтишларини электрон тизимда амалга ошириш, шунингдек электрон тизимнинг харажатларини қоплаш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадида рўйхатдан ўтиш учун фуқаро томонидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида тўлов амалга оширилади.

2-боб. Рўйхатдан ўтиш

3. Фуқаро рўйхатдан ўтиш учун интернет тармоғига уланган ҳолда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг расмий веб-сайтига (www.migration.uz) уланади.
4. Сайтда Фуқарога рўйхатдан ўтишда қайси тилдан фойдаланишни танлаш таклиф этилади. Фуқаро ўзига қулай бўлган тил кўрсатилган тугмани босади.
5. Фуқарога Жисмоний шахслар маълумотлар базаси (id.gov.uz) орқали авторизациядан ўтиш таклиф этилади. Бунда Фуқаро «авторизация» тугмасини босиши лозим.
6. Фуқарога жисмоний ёки юридик шахс сифатида фаолият юритмоқчилигини танлаш таклиф этилади. Фуқаро тегишли тугмани белгилайди ва «Танлаш» тугмасини босади, бунда у шахсий кабинетга ўтади.

7. Шахсий кабинетда онлайн хизматлар бўлимида консуллик ҳисобига туриш учун «Консуллик ҳисобига туриш учун маълумотнома олиш» тугмасини босади. Мазкур тугма босилганда Фуқарога Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижий давлатда ишга жойлашиши тўғрисидаги Гувоҳнома-нинг шакли тақдим этилади.

8. Фуқаро мазкур шаклдаги «доимий яшаш жойи» ҳамда «меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар» деб номланган қаторни тўлдиради.

Бунда, Фуқаро «доимий яшаш жойи» қисмида давлат, шаҳар ва манзил деб номланган қаторларга, шунингдек «меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар» қисмида давлат, шаҳар, манзил, корхона номи, лавозими ва касби, меҳнат фаолиятини бошлаган вақти ва ойлик иш ҳақи деб номланган қаторларга ўзи ҳақидаги маълумотларни тўғри ва тўлиқ киритади. Фуқаро мазкур шаклда «қўшимча маълумотлар» деб номланган қаторга ўзи ҳақидаги қўшимча маълумотларни киритиши мумкин.

9. Фуқаро томонидан ўзи ҳақидаги маълумотлар киритилгандан кейин у ўзи учун қулай бўлган электрон тўлов турини танлайди ва онлайн тўлов ва қабул қилиш тугмасини босади.

10. Фуқарога тўланиши лозим бўлган пул миқдори (энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари) кўрсатилган саҳифа тақдим этилади. Фуқаро «давом эттириш» тугмасини босади. Фуқарога у томонидан танланган тўлов тури бўйича маълумотларни киритиш майдончалари тақдим қилинади.

11. Фуқаро тўловни амалга ошириш учун тўлов пластик картасининг маълумотларини киритади ҳамда давом эттириш тугмасини босади.

12. Фуқаро томонидан тўлов амалга оширилгандан кейин Фуқарога Гувоҳноманинг электрон шакли тақдим этилади.

Гувоҳнома Фуқаронинг хорижий давлатда меҳнат фаолиятини амалга ошириш шартномаси амал қилиши муддатига мувофиқ амал қилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ–3839-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига асосан хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдорида йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда тўлаш тартиби жорий этилади, бунда тўловлар амалга оширилган даврлар белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3584-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг электрон базасида рўйхатдан ўтган вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларга «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан плацкарт ва умумий вагонларга темир йўл чипталарига ҳамда «Ўзбекис-

тон ҳаво йўллари» МАК томонидан фуқаролар учун эконоом класс авиачипталарининг нархларига 20 фоиз чегирмалар тақдим этилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3584-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг электрон базасида рўйхатдан ўтган вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларга «Алоқабанк» АК томонидан содалаштирилган очиш шартлари, хизмат кўрсатиш учун минимал воситачилик ҳақи ва «ноль» суммадаги кафолат депозити билан «VISA-migrant» банк пластик карталари чиқарилади ва хизмат кўрсатилади, шунингдек йилига бир маротаба бир марталик темир йўл ва авиачипталар олиш учун бўлган харажатлар 2018-2019 йилларда 300 минг сўмгача миқдорда қисман қопланади.

3-боб. Яқуний қоида

16. Мазкур Низомнинг талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ
БЎЙИЧА ҚЎМИТАНИНГ
ҚАРОРИ

787 Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 409-сон «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

1. Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Ж. АКРАМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 сентябрь,
1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил
26 сентябрдаги 1-сон қарорига
ИЛОВА

**Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш
учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 409-сон «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, мустақиллиги, яхлитлиги ва хавфсизлигини бузиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситиш, уруш, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, фуқароларнинг соғлиги, маънавияти ва ахлоқига қасд қилинишини олдини олиш мақсадида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) томонидан диний ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилишидан аввал розилик хати берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар), шунингдек диний ташкилотларнинг

марказий бошқарув органлари ва диний таълим муассасалари диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

2-боб. Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш

4. Қўмигага диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органи ёки диний ташкилот тузиш ташаббускорлари (марказий бошқарув органи бўлмаган ҳолларда) розилик хати олиш учун мурожаат қилади.

5. Қўмигага қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари учун:

таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби ҳамда диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини тузиш ташаббускорлари бўлган ўн саккиз ёшга етган юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган мазкур Низомнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ ариза;

диний ташкилотни ташкил қилиш, уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш бўйича маълумотлар мавжуд бўлган таъсис йиғилиши баёни ва диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органи уставининг нусхалари;

диний ташкилот таъсисчилари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумот;

диний ташкилотнинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумот;

диний ташкилот раҳбарларининг диний маълумоти ҳақидаги ҳужжатлари (диний маълумот ҳақидаги ҳужжат хорижий давлатда берилганда унинг нострификация қилинганлиги бўйича ҳужжат нусхаси ҳам тақдим қилинади) нусхалари;

диний ташкилотнинг юридик (почта) манзили тўғрисида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг тегишли бўлинмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг розилик хатининг нусхаси илова қилинган ҳолда) кафолат хати нусхалари;

б) диний таълим муассасалари учун:

диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органи раҳбари ҳамда диний таълим муассасаси тузиш ташаббускорлари бўлган ўн саккиз ёшга етган юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган мазкур Низомнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ ариза;

диний таълим муассасасини ташкил қилиш, уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш бўйича маълумотлар мавжуд бўлган диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органининг ваколатли раҳбар органи йиғилиши баёни ва диний таълим муассасаси уставининг нусхалари;

диний таълим муассасаси таъсисчиси — диний ташкилотларнинг мар-

казий бошқарув органи рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва уставининг нусхалари;

диний таълим муассасасининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумот;

диний таълим муассасаси раҳбарларининг диний маълумоти ҳақидаги хужжатлари (диний маълумот ҳақидаги хужжат хорижий давлатда берилганда унинг нострификация қилинганлиги бўйича хужжат ҳам тақдим қилинади) нусхалари;

диний таълим муассасасининг юридик (почта) манзили тўғрисида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг тегишли бўлинмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг розилик хати нусхаси илова қилинган ҳолда) кафолат хати нусхалари;

в) бошқа диний ташкилотлар учун:

диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган ўн саккиз ёшга етган юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзоланган мазкур Низомнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ ариза;

диний ташкилотни ташкил қилиш, уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш бўйича маълумотлар мавжуд бўлган таъсис йиғилиши баёни ва диний ташкилот уставининг нусхалари;

диний ташкилот ташаббускорлари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 4-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумот;

диний ташкилотнинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумот;

диний ташкилот раҳбарларининг диний маълумоти ҳақидаги хужжатлари (диний маълумот ҳақидаги хужжат хорижий давлатда берилганда унинг нострификация қилинганлиги бўйича хужжат ҳам тақдим қилинади) нусхаси;

диний ташкилотнинг юридик (почта) манзили тўғрисида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг тегишли бўлинмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг розилик хати нусхаси илова қилинган ҳолда) кафолат хати нусхалари;

диний ташкилот атрофидаги яқин диний ташкилотлар билан оралик масофа ҳақида аниқ маълумот;

диний ташкилотнинг фаолият олиб бориши учун зарур бўлган молиявий манбалари ҳақида маълумотнома.

6. Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тўғрисидаги хужжатлар у берилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилади.

7. Кўриб чиқиш натижалари бўйича Қўмита томонидан ариза берувчиларга қуйидаги мазмундаги жавоб хатларидан бири юборилади:

диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тўғрисида;

диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик беришни рад этиш тўғрисида.

8. Қуйидаги ҳолларда диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш рад этилади:

диний ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, мустақиллиги, яхлитлиги ва хавфсизлигини бузиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситиш, уруш, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, фуқароларнинг соғлиги, маънавияти ва ахлоқига қасд қилиш мақсадига эга бўлса;

диний ташкилот устави қоидалари ва бошқа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига ёки бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса;

диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш учун ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки улар зарур тартибда расмийлаштирилмаганда.

9. Қўмитанинг диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик беришни рад этиш тўғрисидаги жавоб хати юзасидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

3-боб. Яқуний қоида

10. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан
ўтказиш учун розилик бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

АРИЗА

_____ (диний ташкилотларни тузувчи фуқаролар ёки ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ (диний ташкилотнинг номи)

диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш
мақсадида ҳужжатларни тақдим этади.

Устав _____ да
(устав қабул қилинган йил, ой, кун)

_____ томонидан қабул қилинган
(Уставни қабул қилган органнинг номи)

Диний ташкилотнинг тури, унинг қайси динга мансублиги _____

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш
ҳақида музокаралар олиб боришга вакил қилинган шахсларнинг Ф.И.О,
манзили, телефон рақами: _____

_____ (Аризачиларнинг Ф.И.О.)

_____ (Аризачиларнинг яшаш манзили)

_____ (сана)

_____ (имзо)

Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун
розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Диний ташкилотнинг раҳбар органи аъзолари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили, ой, кун	Турар жойи	Иш жойи ва лавозими	Телефон рақами

Диний ташкилотнинг раҳбари _____
(Ф.И.О. ва имзоси)

Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун
розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Диний ташкилот ташаббускорлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили, ой, кун	Турар жойи	Иш жойи ва лавозими	Телефон рақами

Диний ташкилотнинг раҳбари _____
(Ф.И.О. ва имзоси)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

788 Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2013 йил 14 октябрдаги 329-В ва 98-сон қарори (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 622-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2018 йил 27 август,
329-В-2-сон

М. НУРМУРАТОВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 27 август,
123-сон

Ж. ҚЎЧҚОРОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Молия
вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги
329-В-2, 123-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли
жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли
микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ–3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартибини белгилайди.»

2. 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарз олувчилар (қарздор) — аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахслар, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, турмушида оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, кам таъминланган оилаларнинг аъзолари ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатлами вакиллари, якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари;»

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«тавсиянома — мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш марказлари раҳбарлари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича ҳужжат.»

3. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси, шу жумладан тижорат банкининг ажратиладиган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги маржа билан тақдим этилади.

Бунда микрокредитлар аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахсларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, турмушида оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёж-

манд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан ошмаган ҳажмда ажратилиши мумкин.

Бунда тижорат банклари кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.».

4. 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Давлат мақсадли жамғармаси кредит линияси ҳисобидан микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:

шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, қуён боқиш ва етиштириш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ хўжалиги инвентари ва ускуналари, суғориш мосламалари (насослар, артезиан қудуқлари ва бошқалар) харид қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-ускуна ва хом ашё харид қилиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса, ҳунармандчилик, маиший, таъмирлаш, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш;

қишлоқ туманларида, айниқса, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш;

туман ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви, мавжуд минерал хом ашё, ер, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишлар.».

6. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Қарз олувчи — жисмоний шахслар микрокредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ариза;

паспорт нусхаси;

тавсиянома.».

7. Қуйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

«9¹. Қарз олувчи — тадбиркорлик субъектлари микрокредит олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

тегишли давлат солиқ инспекциясининг қарз олувчи охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно;

мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган кредит таъминоти турларидан бири.».

8. 11-банднинг иккинчи хатбошисида «мол-мулк гарови» деган сўзлардан кейин «(жисмоний шахслар бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофик 1 ва 2-иловалар билан тўлдирилсин.

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 27 август

Тижорат банклари томонидан давлат
мақсадли жамғармалари кредит линиялари
хисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш
тартиби тўғрисида низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Тижорат банклари томонидан давлат
мақсадли жамғармалари кредит линиялари
хисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш
тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

**Аҳоли бандлигини таъминлаш учун кредит олиш бўйича
ТАВСИЯНОМА**

_____ вилоят/шаҳар, _____ туман, _____ МФЙ,
_____ кўчаси, _____ уйда истиқомат қилувчи фуқаро _____
_____ йил «_____» _____ да туғилган.
(ф.и.о.)

Фуқаро — _____, маълумоти _____,
(ф.и.о.)

мутахассислиги _____, умумий иш стажи _____ йил, охирги иш жойи
_____, иш жойидан бўшаган вақти _____,
меҳнат органида иш изловчи сифатида рўйхатга олинган сана _____
(шахсий карточка рақами ва санаси).

Фуқаро _____ уй шароитида _____
(ф.и.о.)

фаолият тури билан шуғулланиш орқали банд бўлиш истагини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ–3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) асосан фуқаро _____га фаолият тури билан шуғулланиши учун
(Ф.И.О.)

энг кам иш ҳақининг _____ бараваригача бўлган миқдорда имтиёзли кредит ажратилишини тавсия этамиз.

Фуқаро томонидан унга ажратилган кредитнинг мақсадли фойдаланилиши ҳамда унинг тўлов қобилияти кредит ажратган тижорат банки билан ҳамкорликда доимий назорат қилиб борилади. Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш чоралари кўрилади.

**Туман (шаҳар)
сектор раҳбари**

2018 йил «___» _____

(имзо, муҳр, Ф.И.О.)

**Туман (шаҳар) Бандликка
кўмаклашиш маркази директори**

2018 йил «___» _____

(имзо, муҳр, Ф.И.О.)

».

Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

АРИЗА

Мен, _____ (паспорт рақами _____,
(Ф.И.О.)

2018 йил «___» _____ да _____ туман (шаҳар) ИИБ томонидан берилган) _____ йил «___» _____ да _____ туман (шаҳар)да туғилганман. Ҳозирда _____ туман (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси, _____ уйда истиқомат қиламан.

Менга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ–3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) асосан иш билан банд бўлишим учун _____ юритиш мақсадида

(фаолият тури ва мақсади)

йиллик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi _____ фоиз устама тўлаш шarti билан _____ (____) йил муддатга, шу жумладан асосий қарз тўлови бўйича _____ ойлик имтиёзли давр билан _____ сўм (*сумма сўз билан*) миқдоридa имтиёзли кредит ажратишингизни сўрайман.

Аризамга қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

_____.

Олинган кредит маблағидан мақсадли фойдаланиш, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида тўлиқ тўлаб боришни ўз зиммамга оламан.

Ариза берувчи, фуқаро(имзо)

Ф.И.О.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**789 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги
Янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жа-
мғармаларининг намунавий уставини тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3072*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини таъмин-
лаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 июлдаги ПФ–3856-сон қарорига
мувофиқ **бу юраман:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-
кент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Янги иш ўринлари ташкил этишни
рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларининг намунавий устави иловага му-
вофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 август,
23-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2018 йил 20 августдаги
23-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги
янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш
ҳудудий жамғармаларининг
НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

Мазкур Намунавий устав Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 14 июлдаги ПҚ–3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш бораси-
даги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбир-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 сен-
тябрда эълон қилинган.

лари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларининг (бундан буён матнда Ҳудудий жамғармалар деб юритилади) фаолият юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ҳудудий жамғармалар юридик шахс мақомига эга давлат муассасаси шаклида ташкил этилиб, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварағига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, тамга ва бланкаларга эга.

2. Ҳудудий жамғармалар маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақларида (бундан буён матнда ҳисобварақ деб юритилади) жамланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ–3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қуйидагилар Ҳудудий жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

қишлоқ жойларда доимий иш ўринлари ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларида кредит линиялари очиш;

ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айниқса аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд катламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этиш, бунда Ҳудудий жамғармаларнинг ташкил этилган корхоналардаги улушини хусусий шерикларга кейинчалик реализация қилиш шартини назарда тутиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари бўйича иш ўринлари ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

2-боб. Ҳудудий жамғармалар даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ–3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қуйидагилар ҳудудий жамғармалар маблағларини шакллантирувчи манбалар этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан ҳар ойда тушадиган 40 фоизгача бўлган миқдордаги даромадлар;

махаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳамда беғараз ёрдами;

хайрия қилувчилар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг белгиланган тартибда тақдим этиладиган маблағлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан тушумлар ҳажми молия органлари томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан 40 фоизгача бўлган миқдордаги даромадлар молия органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимлари фармойишида назарда тутилган миқдорларда тегишли Худудий жамғармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Бунда Худудий жамғармаларнинг ҳисобварағига ўтказиладиган юқоридаги маблағлар тегишли ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15 санасигача бир йўла ўтказилади.

7. Худудий жамғармаларнинг маблағлари:

худудий меҳнат бозорида фаол тадбирларни (меҳнат ярмаркаларини ўтказиш, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш) молиялаштириш;

қишлоқ жойларда доимий иш ўринлари ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларида кредит линияси очиш;

ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айниқса аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар;

худудий жамғармаларнинг Ижро этувчи дирекцияларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан қабул қилинган қарорларида янги иш ўринларини яратишни назарда тутадиган лойиҳаларни, шунингдек янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича худудий дастурларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларида кредит линиялари очиш орқали лойиҳаларни молиялаштириш учун сарфланади.

8. Худудий жамғармалар маблағлари ҳисобидан тижорат банкларида очилган кредит линияси бўйича имтиёзли кредитлар бериш Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) талаблари асосида амалга оширилади.

3-боб. Худудий жамғармалар фаолиятини бошқариш

9. Худудий жамғармаларнинг Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда Кузатув кенгаши деб аталади) Худудий жамғармаларни бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Худудий жамғармалар фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Худудий жамғармаларнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари тегишли Кузатув кенгаши раиси ҳисобланади.

Худудий жамғармаларнинг Кузатув кенгаши таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Кузатув кенгаши таркибига тегишли худудий меҳнат органлари, молия органлари, давлат солиқ хизмати органлари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратининг, савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг бўлимлари вакиллари киритилади.

Кузатув кенгаши мажлиси ҳар чоракда камида бир маротаба, зарур бўлганда навбатдан ташқари чақирилади.

10. Кузатув кенгаши:

ҳар йили 25 декабргача Худудий жамғарманинг келгуси йил учун даромадлари ва харажатлари сметаларини тасдиқлайди;

ушбу Намунавий уставнинг 7-бандида назарда тутилган тадбирлар Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштирилишини белгилайди;

зарур ҳолларда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритади;

Худудий жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилади;

Худудий жамғарманинг чорак якуни бўйича даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Худудий жамғармага хорижий кредитлар ва грантлар жалб этилишига кўмаклашади;

Худудий жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

4-боб. Худудий жамғармаларнинг Ижро этувчи дирекциялари фаолиятини ташкил этиш

11. Худудий жамғармаларнинг маблағларини тасарруф этиш Ижро этувчи дирекциялар (бундан буён матнда Ижро этувчи дирекциялар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

12. Ижро этувчи дирекцияларнинг намунавий таркибий тузилмаси мазкур Намунавий уставнинг 1-иловасига* мувофиқ белгиланади.

13. Ижро этувчи дирекциялар:

Худудий жамғармаларнинг келгуси йил учун даромадлари ва харажатлари прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқади;

Худудий жамғармаларнинг даромадлар ва харажатлар сметаларини тайёрлайди ҳамда тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига такдим қилади;

Худудий жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Худудий жамғарманинг молиявий аҳолини тизимли равишда таҳлил қилиш ва прогнозлаш ҳамда унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун олдини олувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун кредит линияси очиш учун тижорат банклари билан бош келишувлар тузади ҳамда белгиланган тартибда тижорат банкларига кредит маблағларини ажратади;

ишчи кучи кўп бўлган худудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айниқса аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этади;

Худудий жамғарманинг тушумлар манбалари ҳамда асосий харажатлар йўналишлари бўйича даромадлари ҳисобини юритади;

Худудий жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан техник ва молиявий назоратни олиб боради;

хар чоракда камида бир марта Худудий жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ва Кузатув кенгашига такдим этади;

Худудий жамғарма маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши юзасидан мазкур Намунавий уставнинг 2, 3 ва 4-иловаларига* мувофиқ шаклда ойлик ҳисоботларни Кузатув кенгаши аъзоларига ҳамда худудий меҳнат органларига ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 5 санасигача такдим этади. Бунда такдим этилган ҳисоботлар худудий меҳнат органи томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 7 санасигача Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига такдим этилади;

Худудий жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка ахборот беради;

Кузатув кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаларига Худудий жамғармалар фаолияти юзасидан ҳисобот беради.

14. Ижро этувчи дирекциялар ўзларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тижорат банкларига очилган кредит линиялари маблағларини лойиҳалар кесимида молиялаштирилиши тўғрисида маълумотларни сўраш ва олиш;

янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни молиялаштиришни самарали ташкил этиш юзасидан таклифларни Кузатув кенгашига киритиш.

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Ижро этувчи дирекцияни ижрочи директор бошқаради ва у ўз навбатида Кузатув кенгаши котиби ҳисобланади.

Ижро этувчи дирекциянинг ижрочи директори Кузатув кенгашининг тақдимномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

16. Ижрочи директор:

Худудий жамғарма фаолияти юзасидан умумий раҳбарликни амалга оширади;

Худудий жамғармага ходимларни қабул қилади ва меҳнат шартномаларини тугатади, уларнинг лавозим мажбуриятларини ва ваколатларини тақсимлайди;

ваколатлари доирасида юридик шахслар билан шартномалар тузади;

Худудий жамғарма пул маблағлари ва моддий бойликларининг бухгалтерия ҳисоби юритилишини, молиявий ва статистик ҳисоботларнинг белги-ланган тартибда тайёрланиши ва тақдим этилишини ташкил этади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ва ваколатларни амалга оширади.

17. Ижро этувчи дирекция ходимларига Ягона тариф сеткаси бўйича мазкур Намунавий уставнинг 5-иловасига* мувофиқ разрядларда меҳнатига ҳақ тўланади.

5-боб. Ижро этувчи дирекциялар ходимларини моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш

18. Ижро этувчи дирекциялар ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш Худудий жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

19. Ижро этувчи дирекциялар ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

ходимларга лавозим маошларининг 100 фоизигача миқдорда ойлик шахсий устамалар ўрнатиш. Бунда Ижро этувчи дирекциялар ходимларига шахсий устамалар тегишли Кузатув кенгаши раиси томонидан белгиланади;

байрам саналарида ходимларни ойлик лавозим маошининг бир баравари миқдоригача миқдорда мукофотлаш;

ходимлар ойлик лавозим маошининг икки баравари миқдоригача молия йи-лида бир марта ходим меҳнат таътилига чиқаётганда моддий ёрдам кўрсатилади.

6-боб. Худудий жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисоб, ҳисобот ва назорат

20. Худудий жамғармалар маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар қонунчиликда белгиланган тартибда Ижро этувчи дирекциялар томонидан юритилади.

21. Худудий жамғармаларнинг даромадлари ва харажатлари сметаси

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади (чораклар, даромадлар манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича) ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

22. Ҳудудий жамғармаларнинг даромадлари ва харажатлари сметаларининг бажарилиши бўйича йиллик ҳисобот Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва ҳар йили 15 мартгача Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

23. Ҳудудий жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига очилган кредит линияси бўйича ажратилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар кўринишидаги даромадлар ҳаққонийлиги тегишли тижорат банклари билан ўзаро ҳисоблашув далолатномалари асосида аниқланади.

24. Ҳудудий жамғармага Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан тушадиган 40 фоизгача бўлган миқдордаги даромадлар бўйича ҳудудий молия, давлат солиқ хизмати органлари ҳамда Ижро этувчи дирекцияси ўртасида солиштирма далолатнома тузилади.

25. Ҳудудий жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан назорат қилинади.

7-боб. Яқуний қоидалар

26. Ҳудудий жамғармаларнинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги молия йилига ўтказилади ва Давлат бюджети даромадларига олиб қўйилмайди.

27. Ҳудудий жамғармалар маблағларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

28. Ижро этувчи дирекциялар Ҳудудий жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан жавобгардирлар.

29. Мазкур Намунавий устав талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

30. Ҳудудий жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. Мазкур Намунавий устав Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 20 август

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 22 сентябрдан 28 сентябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 августдаги 216-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқ-номага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-1.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 сентябрдаги 466-мқ-сон «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-2.

3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3069.

4. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 10 августдаги 21-Б-сон «Хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ихтиёрий рўйхатдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3070.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26 сентябрдаги 1-сон «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 329-В-2, 123-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-2.

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 20 августдаги 23-Б-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларининг намунавий уставини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3072.

II. Техник ҳужжат деб топилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 25 сентябрдаги 16/НТД-6-сон «Аттракционлар мавсумига тайёргарлик кўриш ва уларни фойдаланишга бериш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

Адлия вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги 6-21/3-16121/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 25 сентябрдаги 16/НТД-5-сон «Буғ ва сув солинган қозонларнинг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

Адлия вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги 6-21/3-16122/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.